Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 17 май
ЖУМА
№ 93 (5.135).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ— ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Шу кунларда дастурхонимизни сархил мевалар ва сабзавот маҳсулотларисиз тасаввур этолмаймиз. Буни дилдан ҳис этган Ильич районидаги кўп тармоқли «Правда» газетаси номли давлат хўжалиги деҳқонлари сабзавотчиликка эътибор бермоқдалар.

Кейинги йилларда миришкорлар эл-юрт тўкинлиги иштиёқида яна ҳам ҳиммат кўрсатмоқдалар. Шаҳарликларга режадагидан кўп маҳсулот етказиб берилаётир. Бунда айниқса, хўжалик иссиқхонасидаги Рашид Абдурасулов бошлиқ бригада азаматларининг ибратли ишлари таҳсинга лойиқ.

Сабзавоткорлар кўплаб сервитамин маҳсулотлар етказиб беришни зиммаларига олганлар. Аҳдига вафодорлар яқинда эл дастурхонига бир неча тонна карам тортиқ қилдилар.

— Хўжалигимиз иссиқхонасида ўн икки хил сабзавот ўстирилмоқда, — дейди бригада саркори Рашид Абдурасулов. — Карам, пиёз, помидор, бодринг, сабзи ва бошқа экинлардан муттасил юқори ҳосил олиб келаяпмиз. Айни дамда ишчиларимизнинг қўли-қўлига тегмаётир. Ғарқ пишган помидор ва бодринг ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Ниятимиз, бу тур экиндан 20 тонна ҳосил олиш.

З. ҲИДИРОВ.



СУРАТЛАРДА: 1. Бригада етакчиси Р. Абдурасулов бодринг ҳосилидан мамнун. 2. Ишчи М. Ярашева помидор теримида. 3. Помидор харидорларга мунтазир.

У. ҚЎШВОҚОВ олган суратлар.

Тажрибакор минбари

ПАРВАРИШ МАРОМИ

Кўкламнинг бир куни йилни боқади, дейишади. Бу ҳозирги дақиқаси олтинга тенг дамларга менгзаб айтилган бўлса ажаб эмас. Йил бошиданоқ мўл ва сифатли пахта етиштириш пайидан бўлаяпмиз. Бултур хўжалигимиз аҳли 5.830 тонна ўрнига 7.063 тонна оқ олтин тайёрлаб, режани 121 фоиз адо этганди. Бундан ташқари 216 тонна гўшт, 1598 тонна сут, 262 минг дона тухум етиштирилди. Натижада кўзда тутилган 7 миллион 546 минг сўм ўрнига 10 миллион 591 минг сўм даромад қилинди. Эндиликда ютуқларни мустаҳкамлаш, ўтган йилги марралардан ўзиш мўлжалланган.

Экин майдонларимиз бошқа хўжаликларникига нисбатан оз. Ҳудудимиз вилоят маркази билан туташиб кетганлиги учун ҳар қарич ер ҳисобда. Бунинг устига 97 гектар экинзоримиз Наманган шаҳри ихтиёрига, 180 гектари эса Калинин қишлоқ Кенгаши ўрамида истиқомат қилаётган кишиларга турар-жой ва томорқа учун ажратилди. Хуллас, жорий кўкламда 1470 гектар майдонга чигит қададик. Мақсад — гектаридан 34 центнер ўрнига 36 центнердан, жами 5.300 тонна пахта етиштириш. Бундан ташқари 257 гектар ердаги маккажўхори ва ғалладан ҳам баракали хирмон кўтармоқчимиз.

Бу йил баҳор дуруст келди. Айни ерга чигит қадалаётган кезларда об-ҳаво бизни сийлади. Шундан кейин бўлган бир-икки ёмғирни ҳисобга олмаганда ортиқча қийинчилик сезилмади. Лекин, ҳарорат ҳадеганда кўтарилавермади. Ана шу ўзгарувчан, мураккаб табиат билан муроса қилиб ишлаяпмиз. Илк ниятимиз ушалди. Уруғни ердан тўлиқ ва текис ундириб олдик. Биринчи ишловни ҳам тугатдик. Эндиги вазифа ғўза ҳолатига қараб парваришни яхши ташкил этишдан иборат.

О. Болтабоев, К. Худойбердиев, Ю. Иномов, Ҳ. Нурматова бошлиқ бригадаларда ниҳоллар ер бетини қийғос қоплаган, кўриб кўз қувонади. Бошқа жамоаларда ҳам шу кун юмушлари вақтида, сифатли адо этиляпти. Мутахассислар, ўрта бўғин раҳбарлари, механизаторлар, колхозчилар— хуллас, барча-барчанинг бутун диққат-эътибори экин ривожини тезлаштиришга қаратилмоқда. 41 та чопиқ трактори унумли ишлатилаётир. Н. Ёқуббоев, Ҳ. Абдуллаев, Ҳ. Қуръонов, Б. Абдураҳмонов, Ҳ. Болтабоев каби механизаторлар айниқса, ишда ўрнак. Улар культиваторни моҳирона бошқариб, қатор ораларини кўнгилдагидек юмшатиш, кўчатларни нобуд қилмасликка интилишаяпти.

Бу йил деҳқончилигимиз сал бошқачароқ бўлмоқда. Авваллари хўжалигимизда майдонларга жўяк олиб, суғориб, сўнгра бороналаб, чигит экардик. Жорий кўкламда вақтдан ютқазмаслик, қолаверса об-ҳаво пастлигини ҳисобга олиб иш ташкил этдик.

Ҳозир деҳқон юмушлари болалаган, иш ғоят тиғиз давр. Демак, ишчи кучларини тўғри тақсимлаш, ҳар бир тадбир вақтида бажарилишига эришиш даркор. Аксарият пайкалларнинг четларида, баъзиларининг ўртасида тут дарахтлари бор. Пилла қурти боқувчилар барг кесаётганда гоҳо ниҳолларни босиб кетишади. Биз бу борада ҳам қатъий тартиб ўрнатдик. Кўчатларни нобуд қилмаслик учун трактор билан жўяклар кўтириб қўйилди. Бу барг ташувчиларга қулайлик туғдиряпти.

Ғўза серавж ривожланиши учун культиваторларга осилган кетмончалар ёрдамида сифатли ишлов ўтказяпмиз. Илдизга тезроқ иссиқлик бориши, тупроқдаги ортиқча намни йўқотиш учун бошқа мослама ёки чизеллардан фойдаланаяпмиз. Май ойида икки марта шундай ишлов амалга оширилади. Сўнгра картограммага мувофиқ экинга калий ва фосфор соламиз. Ҳамма бригадаларда далалар пудратчиларга тақсимлаб берилди. Айни пайтда ниҳоллар атрофи юмшатилиб, бегона ўтдан тозаланмоқда ва ягана қилиняпти.

Сув — ғўзанинг қони ва жони. Об-ҳаётдан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар 70—80 метрдан ўқ ариқлар олдик. Культиватор ва чизелларнинг орқасидан ниҳолларни босиб қолган кесаклардан тозалаш учун алоҳида кишилар бириктилди.

Қатор оралари юмшатиб бўлингандан кейин ўша майдонда бешочар қилиб эгат олаяпмиз. Чунки бунда ердан нам кўтарилмайди, ғўза қуёшдан яхши баҳра олиб, баравж ўсади. Қолаверса, зарурат туғилганда сувчилар шошиб қолмасдан обҳаёт тарашаверади. Чорвачилик ва паррандачилик фермаларидан, аҳоли хонадонларидан гўнг чиқариш тўхтатилгани йўқ. Мақсад— экинга кўпроқ маҳаллий ўғит бериш. Барча бригадаларда махсус чуқурчалар бор. Гўнгни шу жойларга ташиб келиб, кўмиб қўяяпмиз.

Хўжалигимизда ҳар беш йилда экинзорлар навбати билан маҳаллий ўғитга тўйинтирилади. Ўтган йили кузда ерлар ҳосилдан бўшагач, 400 гектарнинг ҳар гектарига ўртача 40—50 тоннадан гўнг солдик. Ишлов даврида экин 5—6 минг тонна маҳаллий ўғит билан озиқлантирилади. Бу камхаражат, арзон иш, айни пайтда тупроқ таркибини яхшилаб, ҳосилдорликни кўтаришга хизмат қилади.

Ғўза ҳам меҳрга муҳтож. Уни қанчалик асраб-авайлаб парваришласангиз, шунчалик бақувват ва соғлом ўсади. Биз яқин-яқингача барча ишларни техника ёрдамида бажарамиз деб жар солдик. Ота-боболаримиз ишлатган кетмондан деярли воз кечдик, унинг аҳамиятини тўғри тушуниб етмадик. Ҳолбуки агар ғўза яхшилаб бир-икки марта кетмон чопиғидан чиқарилса унинг амал олиши тезлашади, ҳосилга эрта киради. Шу боисдан бу иш қуролига эътиборни кучайтираяпмиз. Май ойида экинни икки марта тўла кетмон чопиғидан чиқарамиз. Гектарида ўртача камида 100 минг туп кўчат сақлаб қолишимиз керак. Дастлабки ишлов тугалланган майдонлардаги ниҳоллар бир сира ўғитланди. Мақсад — июнгача яна бир марта сифатли озиқлантириш.

Юқорида айтганимдек, хўжалигимиз вилоят маркази билан туташ, шунинг учун аҳоли ниҳоятда зич яшашини ҳисобга олиб, кейинги 5—6 йилдан буён зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда кимёвий дорилардан мутлақо фойдаланмаяпмиз. Бунинг ўрнига биологик усулга кенг йўл очдик. Шу тариқа ҳам теварак атроф мусаффолигини ва одамлар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилаяпмиз, ҳам тупроқ заҳарланишининг олдини олаяпмиз.

Мутахассислар фикрича, бу йилги шароит зараркунанда ва касалликлар одатдагидан кўпроқ бўлишидан дарак бераяпти. Шуни назарда тутиб, мавжуд 20 та бригаданинг ҳаммасида кузатувчилар тайинладик. Уларга энтомолог-агроном Умаржон Шералиев бош-қош.

57 гектар ерда дон учун, 168 гектарда силос учун ўстирилаётган маккажўхори, 11 гектардаги лавлаги парваришини ҳам кучайтираяпмиз. Беданинг биринчи ўрими тугалланди. Дастлабки ҳосил гектарига 50 центнердан тўғри келаяпти. Ҳозир культивация қилиб, ўғитлаб, суғоришга киришдик. Турғунбой Холмирзаев бошлиқ боғбон ва соҳибкорлар 20 гектар майдондан баракали ҳосил олиш ниятидалар.

Бизда деҳқонларга мустақиллик берилган, десам янглишмайман. Ҳар бир хўжалик ўз шароитидан келиб чиқиб иш юритмоқда. Деҳқонлар уюшмаси мутахассислари ташриф буюриб, маслаҳат ва йўл-йўриқлар беришаяпти. Хўжалигимизнинг барча бригадаларида бир гектардан ерга полиз, сабзавот экинлари экилган, кичик боғ бор. Булардан чиқадиган ноз-неъматлар колхозчиларнинг кундалик эҳтиёжига ишлатилаяпти. Шийпонлар етарлича жиҳозланган. Жўрахон Муҳиддинов раҳбарлигидаги «Бинафша» ҳаваскорлик дастаси навбат билан бригадаларга маданий хизмат кўрсатяпти.

Май ойида иш кўп бўлишини ҳисобга олиб, хўжаликда меҳнат қилиш соатларига айрим ўзгаришлар киритдик. Аёллар якшанба куни тўла дам олишаяпти. Болали оналарга ҳамма шароит муҳайё этилган. Айни пайтда меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилди. Бу йилдан колхозчиларга 25—30 фоиз миқдорида оширилган тариф бўйича ҳақ тўлаяпмиз. Ҳар ойнинг бешинчи кунида иш ҳақи берилмоқда.

Бугуннинг ҳар дами деҳқон учун олтинга тенг. Шу боисдан далада ишловчиларга ғамхўрликни кучайтираяпмиз. Бу саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини беришига астойдил ишонамиз.

Ҳ. МАМАЖОНОВ,
Наманган районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

О. С. ШЕНИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 16 май куни Тошкентдаги «Малика» ва «Зенит» ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлди.

У ишлаб чиқаришни кўздан кечирди, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди. Партия Марказий Комитетининг котиби уларнинг меҳнат ва маиший шароитлари, меҳнат интизомининг аҳволи билан қизиқди. Бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари ўртага қўйилди. Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун кўриш зарур бўлган оператив тадбирларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. О. С. Шенин корхоналар ишчилари, инженер-техник ходимларининг саволларига жавоб қайтарди.

Меҳнаткашлар жамоалари билан учрашувларда КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, республика Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

О. С. Шенин билан И. А. Каримов Ангренга бордилар. Улар табиий офат натижасида зарарланган Жигаристон посёлкасида бўлдилар, одамлар фожиали ҳалок бўлган жойга гуллар қўйдилар, жабрдийда оилаларда бўлиб, уларга чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Жигаристонда бўлиш пайтида О. С. Шенин билан И. А. Каримов тиклаш ва лойиҳалаш ишларининг бориши билан қизиқдилар. Барча жабрдийдаларга зарур ёрдам кўрсатилаётгани ва кўрсатилиши, ҳеч ким кулфатда эътиборсиз қолдирилмаслиги таъкидланди. Қурувчилар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

(ЎзТАГ).

ОШКОРА МУЛОҚОТ

Тошкентда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар республика, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар фахрийлари фаоллари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият Кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Р. Ғ. Ғуломов очди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко ёш авлодни совет ватанпарварлиги ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш ишини такомиллаштиришда фаол иштирок этаётганликлари учун фахрийларга миннатдорчилик билдирди, бу борада вужудга келган анъанавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларни тобора ривожлантириш зарурлигини айтди.

И. В. Фуженко Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ СССР Қуролли Кучлари Бош штаби билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўртасида республика фуқароларини муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини яхшилаш тўғрисида яқинда имзоланган битим ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Шу муносабат билан округ қўмондонлиги олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди. У ошкора мулоқот давомида тўпланганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Учрашувда Ленинград номини ўзгартириш мақсадида шу йилнинг 12 июнида шаҳарда референдум ўтказиш мўлжалланганлиги муносабати билан Ўзбекистонда яшаётган уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар, Ленинград мудофааси ҳимоячилари номидан Ленинград Кенгашига, барча ленинградликларга очиқ хат қабул қилиниб, унда шаҳар номи ўзгартирилишига қарши қатъий норозилик билдирилди.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Риштон районидаги қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш корхонаси экин майдонларида оралиқ озуқа экинлари ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Кузда беда, кенг баргли қора сули, перко ҳамда ёғли рапс аралаштирилиб экилганди. Дастлабки ўримдаёқ ҳар гектар ердан 350 центнердан кўк масса ўриб олинди. Аъзамжон Раҳмонов, Сиддиқжон Мамадалиев, Аъзамжон Йигиталиев сингари ижарачи озуқакорлар ерларида мўлжалдагидан қарийб 2,5 ҳисса кўп ҳосил етиштирилди. Ўрилган маҳсулот боқувдаги қорамолларга едирилмоқда. Шунингдек ундан қиш учун 600 тонна сенаж ҳам тайёрлаб қўйилди.

Корхона қарамоғида 750 гектар экин майдони бўлиб бу парваришланаётган 2400 бош қорамолларни тўйимли озуқа билан таъминлашга камлик қилади, албатта. Ҳозир фақат ҳосилдорликни ошириш эвазига етарли озуқа билан таъминлаш мумкин бўлмоқда. Шунинг учун корхона озуқакорлари асосий эътиборни экин майдонларини сифатли озиқлантириб суғоришга қаратишмоқда.

(ЎзТАГ).

ЯШИЛ ПАЙКАЛ

Пахтакорлар ҳаётида долзарб дамлар бошланди. Ҳозир ғўза парвариши кун сайин қизитилмоқда. Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалиги зааршуносларп ҳам ёш ниҳолларга сифатли ишлов беришни жадал давом эттирмоқдалар. Улар бу йил 2.250 гектар майдонда деҳқончилик қилишаяпти. Чигит қулай муддатларда, сифатли қадалиб, тўлиқ ундириб олинди. Айни пайтда 45 та культиватор билан қатор оралари иккинчи марта юмшатилмоқда. Бунда Чоршанби Қурбоназаров, Сайфулла Набиев, Юсуф Жўраев, Очил Саидов, Эштурди Жўраев каби моҳир механизаторлар ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишяпти. Улар кунлик топшириқни 1,5—2 ҳисса ошириб адо этишмоқда.

Хўжаликда ўзаро беллашув кенг, ошкора йўлга қўйилган. Ғолиблар ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантирилаётганлиги меҳнат баҳсини қизитаяпти. Биз 5-бўлимнинг Музаффар Тошмуродов бошлиқ бригадаси далаларига борганимизда шундай жўшқинликнинг гувоҳи бўлдик. Аҳил жамоа бу йил 36 гектар майдонда ғўза ўстираяпти. Мақсад — гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил саранжомлаш. Бу маҳаллий шароитда ҳазилакам гап эмас.

— Пахтакорларимиз ғўза парваришининг барча талабларини ўз вақтида пишиқ-пухта бажаришга интилмоқдалар, — дейди бош агроном Тоштемир Мунавваров. — Чунки ҳосил салмоғи ва сифати ана шунга боғлиқ. Шунингдек, таннархни арзонлаштириш мақсадида материал, ёқилғи ва меҳнат ресурсларидан камроқ сарфлаш чоралари кўрилмоқда. Қўрикда қўл кучи оз. Шунинг учун ҳосил асосан машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади. Бунга ҳозирдан эътиборни қаратаяпмиз.

Чўлқуварлар дашт ерларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 20 центнердан оқ олтин тайёрлаб, давлатга 4.200 тоннадан ортиқ хом ашё сотишни мўлжаллашяпти. Ҳозир бутун куч-ғайрат, тажриба ва маҳорат пайкалларда мўл ҳосил тўплаш учун мустаҳкам замин яратишга сафарбар этилмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ,
Э. ТЎЛАГАНОВ.

ТУНГИ ЎРИМ

Учқўрғон районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигида ўрим машиналарининг гувиллаши тунда ҳам тинмаяпти. Бу ерда тунда беда ўриш ташкил этилди.

Хўжалик деҳқонлари озуқа экинлари етиштириладиган майдонларни йилдан-йилга кенгайтиришмоқда. Бунда беда алоҳида ўринни эгаллаган. Озуқа экинлари учун ажратилган 329 гектар ернинг 310 гектари бедазорлардан иборат. Бу майдонларнинг барчаси ижарага олинган бўлиб, энг яхши ижарачилар — Йўлчибой Деҳқонов, Мухторжон Ўрмонов, Турсунпўлат Мирзаолимовлар сурункасига бир неча йилдан буён ҳар гектар ердан 210—213 центнер пичан ўриб олишмоқда.

Бу йил ташкил этилган тунги пичан ўриш озуқанинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Шундай қилинганда, пичандаги оқсил моддалар ва витаминлар деярли тўла сақланиб қолади. Бундан ташқари илғор усул жорий этилиши билан пичанни қайта ишлашга сарфланадиган харажатлар камаймоқда. Ҳар бир гектар ер ҳисобидан қарийб 360 сўм тежаб қолиняпти.

КЎЧМА ҒИШТ ЗАВОДИ

Қашқадарё вилоятининг Нишон райони марказида Францияда тайёрланган ғишт заводи маҳсулот чиқара бошлади. У бир сменада бир ярим мингта блок тайёрлаши мумкин. Бу блокларнинг ҳар бири одатдаги бешта ғиштнинг ўрнини босади.

Заводнинг одатдан ташқарилиги яна шундаки... у ғилдираклар устида жойлашган. Шундай бўлгач, «корхона»ни ҳар қандай жойга тезда кўчириб олиб бориш мумкин. Автомашинага ўрнатилган бетон қоргич автомобиль моторининг ёрдамисиз ўзи ишлаши мумкин. Бу техника дизель ёнилғиси билан ишлайди.

Бундай заводнинг нархи ҳам арзон эмас — икки юз минг сўм. Лекин Қарши чўлини ўзлаштирувчилар харажатлар ўрнини қисқа муддатда қоплашни режалаштиришмоқда. Гап шундаки, блоклар тайёрлашда чўлдаги қум асосий қўшимча хизматини ўтайди. Қум эса бу ерда истаганча топилади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ ИЛМИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

15 май куни Тошкент деҳқончилик дорилфунуни илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда муаллимлар ва талабалар, жумҳурият олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисда мутахассислар тайёрлаш сифатини ва илмий-тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан янги олий ўқув юртининг профессор-муаллимлар жамоаси олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Илмий кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Икромов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НАМУНАСИДАГИ БЕШ СЎМЛИК БАНК БИЛЕТЛАРИ (БАНКНОТЛАРИ)НИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки 1991 йил 1 июндан СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни муомалага чиқаради. Банкнотларнинг тасвири матбуотда эълон қилинади.

СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги беш сўмлик банк билетлари (банкнотлари) давлат, кооператив, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан жамғармага жорий, ҳисоб варақаларига қўшиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

1961 йил нусхасидаги беш сўмлик СССР давлат хазина билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва давлат, тижорат, жамоат ва бошқа барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар ҳамда айрим шахслар томонидан ҳамма турдаги тўловларга, шунингдек банклар ва почта корхоналари томонидан омонатларга жорий, ҳисоб варақаларига қўшиш учун, жўнатмалар учун ва аккредитивларга ёзиб қўйилган қиймати бўйича чекланмаган миқдорда қабул қилиниши мажбурийдир.

Ҳозирги вақтда СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 10 ва 25 сўмлик банк билетлари (банкнотлари)ни шу йилнинг 3— 4 кварталларида муомалага чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу банкнотларнинг тасвири ва муомалага чиқарилишининг аниқ вақти қўшимча равишда маълум қилинади. 1961 йил нусхасидаги 1 ва 3 сўмлик СССР давлат хазина билетлари, 1961 йил нусхасидаги СССР Давлат банкининг 10 ва 25 сўмлик билетлари сийқаланиб кетгунга қадар муомалада бўлаверади ва ҳамма турдаги тўловларга ва варақаларга қўшиш учун қабул этилиши мажбурийдир.

Қишлоқ қурилиши: тажриба, изланиш

ҲАЁТ ТАЛАБИ— ИШ МЕЗОНИ

Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти ҳудудидаги Қизилжар мавзесида бўлиб, бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб қайтдик. Орол денгизининг қуриб бораётганлиги бу ердаги экологик муҳитнинг ёмонлашувига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган маскандан эндиликда одамлар кўчиб кетишаяпти. Нафақат мутахассислар, билимдон, етук ишбилармон кишилар, балки оддий бинокорлар ҳам етишмаяпти. Натижада мавжуд механизация воситаларини самарали ишлатиш, мураккаб иншоотларни барпо этиш ва муаммоларни ечишда қийинчиликлар вужудга келмоқда. Бу ўз навбатида «Дўстлик» ва «Қизилжар» давлат хўжаликларида трестимиз амалга ошираётган қурилиш ишлари ҳолатига таъсир этмай қолмаяпти. Шундай бўлсада, ўнлаб бунёдкорлар ана шу минтақада чорвадорлар учун уйжой, сут-товар фермаси бунёд этиб, янги ерлар очмоқдалар.

Албатта, мавжуд муаммолар, қийинчиликларни рўкач қилиб, ҳолва пиш, оғзимга туш, қабилида ўтиришдан наф йўқ. Шу боисдан трест маъмурияти, партия ташкилоти бамаслаҳат режалар асосида иш юритаяпти. Биринчи навбатда қишлоқ аҳли ижтимоий масалаларини тезроқ, тўлақонли ҳал этишга, бозор муносабатлари билан боғлиқ вазифаларни бажаришга асосий эътиборни қаратиб, янгича иш услубларини турмушга кенг татбиқ этмоқдамиз. Масалан, Янгибозор ва Хоразм қурилишмонтаж бошқармалари ижара пудратига ўтказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган ишларнинг ўз муддатида бажарилишида бу усул қўл келди. Шу давр мобайнида режадаги 13,1 ўрнига 14 миллион сўмлик умумий пудрат ишлари уддаланди. Ўз кучимиз билан эса 11,2 ўрнига 11,8 миллион сўмлик иш бажардик.

Хом ашё билан таъминлаш борасида рўёбга чиқарилаётган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда Шовот районида йилига 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган завод, Урганч шаҳрида йилига 40 минг куб темир-бетон тайёрлайдиган корхона ишлаб турибди. Шу йилдан бошлаб эса вилоят марказида технологик комплектлаш бошқармаси учун ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Янги корхона фойдаланишга топширилгач, бу ерда марказлашган усулда бўёқ тайёрлаш, ёғочтахталарни қайта ишлаш, дераза ойналари кесиш каби юмушлар амалга оширилади. Шовот ғишт заводи таркибида иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган янги бинокорлик материали — пенополистрол ишлаб чиқариш цехи қурилади. Бундай маҳсулотга минтақамизда талаб катта. Чунки воҳамиз ёзи қуруқ, қиши эса қаттиқ совуқ бўлади.

Қурилиш иншоотларида механизмларни тезкорлик билан кўчириш ва ишлатиш кўп ҳолларда муаммо бўлиб келган. Шуни ҳисобга олиб, Урганчда трестнинг хўжалик ҳисобидаги кичик ҳажмдаги ишларни механизациялаш участкаси ташкил этилди. Бу эса мавжуд механизмларни керакли жойларга ўз вақтида етказиб бериш ва улардан оқилона фойдаланишда қўл келмоқда. Энг муҳими вақтдан ютилаяпти, материаллар тежалаяпти. Ишчиларнинг бекор туришлари ҳам кескин камайди.

Икки оғиз транспорт тўғрисида. Юзлаб километр масофага чўзилган минтақада иш олиб бораётган жамоамиз оғирини енгил қилишда Урганчдаги 10-автотранспорт ва Шовотдаги 17-автотранспорт корхоналари самарали фаолият юритаётганлигини таъкидлаш лозим. Тўғри, баъзида ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар таъминотида узилиш бўлиб турибди. Лекин автотранспорт корхоналари белгиланган режаларни уддалаб, бинокорлик материалларини манзилларга ўз муддатида етказиб беришаяпти.

Ҳозирги кунда айниқса қишлоқ аҳли ижтимоий масалаларини ҳал этиш энг долзарб вазифадир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг март ойида бўлиб ўтган анжуманида ҳам бу масала алоҳида таъкидлаб ўтилди. Биз трест ишчилари, инженер-техник ходимлари бу борада барча мавжуд имкониятларни ишга солаяпмиз. Олис манзилларда, хусусан, чўлда ишлаётган қурувчиларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Шовот районидаги «Ризқ» деб номланган ёрдамчи хўжалигимизда 480 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Шундан 46 боши сўқимга боқилмоқда.

Ёрдамчи хўжаликда келажакни кўзлаб қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Бу йил 110 гектар ерга шоли экишни мўлжаллаганмиз. Чўчқачиликни ривожлантириш мақсадида комплекс қурилмоқда. Хўжалик ҳудудидаги табиий сув ҳавзаларида балиқ урчитилди. Асаларичилик янада ривожланади. Бу йил ҳар бир уя ҳисобига бол олишни 17—18 килограммга етказишни ният қилганмиз.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим вазифамиз. Шовот районда ишга туширилган 100 ўринли «Оби-ҳаёт» санаторий-профилакторий шу мақсадга хизмат қилаяпти. Бу шифо маскани Шовот каналининг хушманзара жойида барпо этилган. Оромгоҳда фойдали минералларга бой сув чиқариш тадбирлари белгиланган. Айни кунларда бурғилаш ишлари олиб борилаётгир. Урганч районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида 200 ўринли кашшофлар оромгоҳи қурилиши бошлаб юборилди.

Бозор иқтисодиёти қарор топаётганлиги, чакана нархлар ислоҳ қилинганлиги натижасида ишимизда янги муаммолар вужудга келмоқда. Хусусан, материал таъминотида узилишлар бўлмоқда. Буни яхшилаш учун РСФСРнинг айрим корхоналари билан товар айирбошлашни йўлга қўйдик. Масалан, шартнома асосида Ульяновск шаҳридаги шифер ишлаб чиқарувчи корхонадан бинокорлик материалларини оламиз. Шу йўсинда хом ашё топиб, Боғотдаги механизациялашган кўчма колонна қошида гилам тўқиш цехини ташкил этдик. Бу ерда тўқилаётган маҳсулот ишчи-хизматчиларга сотилмоқда. Лекин бизга бўғлиқ бўлмаган баъзи муаммолар ҳам борки, юқори режалаштирувчи ташкилотлар, маҳаллий Советлар бу масалаларга жиддий эътибор беришлари керак. Ишчилар таъминоти бўлими оладиган айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан ун кескин камайиб кетди. Албатта, бу борада жумҳуриятимиз ҳукумати амалга ошираётган тадбирлар ўз самарасини беради, аҳвол ўнгланади, деб ишонамиз.

Биз барча қийинчиликлар, етишмовчиликларга қарамай бор имкониятлардан самарали фойдаланиб, режадаги вазифаларни муваффақиятли адо этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Иш кўлами, миқёси кенг. Бу йил 61 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари рўёбга чиқарилади. Жумладан, 17 минг квадрат метр ҳажмда турар жой, 844 ўринли мактаб, 240 болага мўлжалланган боғчаясли, 600 кишилик маданият уйи, оналар ва болалар шифохонаси, Янгибозор райони марказида автовокзал қурилиб, фойдаланишга топширилади. 900 гектар ер ўзлаштирилиб, деҳқонлар ихтиёрига берилади. 2,5 минг гектар майдон қайта ишланиб, экинзорга айлантирилади. 12 километр узунликдаги каналларга бетон ётқизилади. Воҳадаги энг йирик ўнг Боғолон ва Дўрмон коллекторлари қайта таъмирланади. Озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш, хом ашёни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш мақсадида Шовот районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалигида шиша идишлар заводи бунёд этилаяпти.

Хоразм хўжаликларида, қўшни Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида, Туркманистон ССРнинг кўпгина районларида мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар кўп. Экологик аҳволни ҳисобга олиб, Янгибозор районида янги болалар шифохонаси қуришга қарор қилдик. Ана шундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун трест ишчилари, муҳандис-техник ходимлари бор билим ва тажрибалари, қалб қўри ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Р. СУЛТОНОВ,
«Хорезмсовхозводстрой» трести бошқарувчиси.



Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий пойдевори етарли ем-хашак жамғаришдир. Буни яхши билган Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигининг «Тараққиёт» кооперативи жонкуярлари мўл-кўл озуқа етиштирдилар.

Акром Набжонов бошлиқ звено бу борада бошқаларга намуна. 40 гектар майдондаги беданинг ҳар гектаридан 150 центнердан озуқа йиғиб олмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор механизатор З. Қодиров. 2. Беда ўримни пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

Жигаристон:

ЯНГИ ҚЎРҒОН ҚУРИЛМОҚДА

Табиий офат оқибатларини тугатишга жалб этилган ташкилотлар лойиҳалаш, смета ҳужжатларини тайёрлаш, янги «Жигаристон» мавзеси бунёд этиладиган ерга зарур техника ва материалларни келтириш масалаларини ҳал қилишлари учун атиги ўн кун кифоя қилди. Барча пудратчилар бир ёқадан бош чиқариб дастлабки 50 та уйни қуришга киришдилар.

Бинокорларни электр энергия ва ичимлик сув билан таъминлаш энг муҳим масалалардан эди. Жумҳурият Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги билан Уй-жой-коммунал хўжалик вазирлигининг бўлинмалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни уддаладилар ва электр линиялари ҳамда алоқа йўлларини белгиланган муддатда ишга солиб юбордилар.

7 май куни ўз ишларининг бир қисмини бошлаган энергетиклар 14 майда иккита қурилиш майдонига электр қуввати бердилар. Ана шу муддат орасида фалокат рўй берган ердаги эски тармоқлар бузиб ташланиб, бир ярим километр узунликдаги юқори кучланишли линия, иккита трансформатор кичик станцияси лойиҳаланди ва қуриб битказилди. Бу кичик станциялар келгусида янги қишлоққа хизмат қилиши мўлжалланган. Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги мутахассислари ана шу кичик станция қурилишининг биринчи навбати тугаётган пайтда уйларга, ижтимоий-маданий-маиший иншоотларга электр олиб киришади.

Ўзбекистон Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлиги хизматчилари ҳам катта ишларни бажаришди. Дастлабки кунларданоқ вазирликнинг техникавий рўйхатга олиш шўъбаси Жигаристонда бузилиши керак бўлган биноларни ҳисоблаб чиқди. Бу эса бузилмай қолган уйларни таъмирлаш юзасидан ишларни жадаллаштиришга имкон берди. Ҳозир собиқ қишлоқдаги 40 дан ортиқ уй рўйхатга олинмоқда.

«Узгипрокоммунинж п р о е к т» илмгоҳининг ходимлари асосий лойиҳачилар билан бирга хотира боғини яратишга киришдилар. Чунки Ангрен шаҳрининг маҳаллий хўжалик хизмати идоралари келажакда ана шу комплексдан фойдаланишлари, уни озода ҳолда сақлашлари керак бўлади. Шу билан бирга кўчки тушган ерда қанчадан-қанча булоқлар бор эди, бу булоқлар ойлар ёки йиллар ўтгач ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ана шу хавфнинг олдини олиш керак.

Ҳар ҳолда маҳаллий хўжалик идораларининг фожиадан кейин қиладиган асосий ишлари одамларни тоза ичимлик сув билан таъминлашдир. Кўчки уйларнигина эмас, қишлоққа келтирилган сув қувурини ҳам ўз домига тортиб кетди. Сув қувурининг бошланишини шу заҳотиёқ тўхтатдилар, саноқли соатлар ичида бир километрга яқин қувур олиб келдилар, орадан бир кун ўтгач эса вайрон бўлган Жигаристонда янги сув қувури ишга тушди. Бунда барча қоидаларга риоя этилди: сув қувурлари тизими ювиб тозаланди ва уни тозалик-оқимлик касалликлардан асраш тиббий хизмати ходимлари қабул қилиб олдилар.

Бундан ташқари маҳаллий хўжалик ходимлари бир неча автоцистерналарни ишга солишди. Бу машиналарда Жигаристонга келган ҳарбий қутқарувчиларга муттасил сув ташиб туришди. Ишларнинг тиғизлиги, куннинг иссиқлигига қарамай ҳамма вақт сув етарли бўлмоқда.

Ҳукумат комиссияси буйилган қишлоқ ўрнида янгисини барпо этиш учун жой танлаши биланоқ жумҳурият Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлиги идоралари ана шу ерга қурувчилар учун бир километрли сув қувурини вақтинча ётқизишга киришди. Ҳозир бу сув қувури ишлаб турибди.

Янги мавзени сув билан пухта таъминлаш учун диаметри 300 миллиметрли қувурлардан иборат узунлиги уч километрдан кўпроқ катта сув қувурини қуришга тўғри келади. Унга кучли насос станцияси сув чиқариб беради. Лойиҳачилар зарур ҳужжатларни тайёрлаб бўлишди ва тез орада асосий ишлар бошланиб кетади. Дастлабки уйлар фойдаланишга топшириладиган август ойида у ишга туширилиши керак. Сал кейинроқ канализация тармоғи ҳам фойдаланишга топширилади. Канализация қувурлари мактаблар, болалар боғчалари, бошқа иншоотларга ҳам олиб кирилади.

Ангренда табиий газ йўқ. Шу сабабли яқин «Жигаристон» мавзесининг аҳолиси суюлтирилган газли ихчам қурилмалардан фойдаланади. Бундай қурилмалар ҳар бир уйга ўрнатилади. Бунинг учун эса барча зарур ускуналар бор.

Шундай қилиб, кўчки натижасида жабрланган кишилар учун янги қишлоқ қурилиши бошлаб юборилди. Табиий офат оқибатларини тугатиш жумҳурият штабидан хабар қилишларича, қурувчилар барча зарур нарсалар билан таъминланганлар, улар осойишта вазиятда ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ДЎСТ КУЛФАТДА СИНАЛАДИ

Жигаристонликлар бошига кулфат тушганида иттифоқдош республикаларнинг Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Дастлабки соатлардаёқ табиий офат юз берган жойга мамлакатнинг турли бурчакларидан озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари жўнатила бошланди. Жароҳатланганлар учун оммавий равишда донорлик қони тўплаш, муваққат лагерларга жойлаштирилган кичкинтойлар учун болалар овқати йиғиш ташкил қилинди.

Тожикистондан Тошкентга самолётда табиий офатдан жабрланган оилалар учун мўлжалланган 22 та посилка — кўрпа-ёстиқлар, ичи иссиқ чет эл этиклари, энг зарур моллар келди. Бу юкларни олиб келган Тожикистон Қизил ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизматининг раҳбари Е. С. Свидерская уларни энг муҳтожларга бўлиб берди.

Литва, Латвия, Эстония, Россия ва Қирғизистон Қизил крест ҳамда Қизил ярим ой жамиятлари қариндош-уруғлари ва яқинларидан маҳрум бўлган оилаларга таъзия билдириб, телеграммалар юборди. Улар шу республикалар аҳолиси тўплаб берган иссиқ кийимларни, қурилиш материаллари ва дори-дармонларни самолётлар билан тайёр офат юз берган жойга жўнатишибди.

Жигаристонда фожиа юз берган куннинг эртасигаёқ у ерга Ангрен ва Янгиободдан республика байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюмасининг аъзолари келишди. Улар ҳудудни тупроқ уюмларидан тозалашга, аҳолини бошқа жойга кўчиришда ёрдам беришга киришдилар. Собиқ жангчилар бутун қолган уйларни эҳтиётлаб бузиб, қурилиш материалларини янги қўрғон бунёд этиладиган жойга ташишда ёрдам беришмоқда. Уюшма қўрғондаги жабрланган аҳолига ёрдам бериш махсус ҳисоб варақасига уч минг сўм пул ўтказди.

Бухоро шаҳри умумий овқатланиш трестининг жамоаси ватандошлар дардига шерик бўлиб, Жигаристон қўрғонидаги табиий офат жабрдийдаларига ёрдам жамғармасига ўзининг бир кунлик иш ҳақини ўтказди.

(ЎзТАГ).

ҲИММАТ

Ангрен яқинида жойлашган Жигаристон қишлоғи аҳли бошига тушган фалокатдан қўшни Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинати жамоаси ҳам қаттиқ қайғурди. Корхона ишчи-хизматчиларидан 430 киши бир кунлик ишлаб топилган 3,5 минг сўм маблағни шаҳид кетганлар оилалари учун юборишга қарор қилди.

Шундай қилиб Жигаристон қўрғони 000700752 ҳисобига тушган маблағ 220 минг сўмдан ошиб кетди.

МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

Поп районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроали Омонов бошлиқ бригадаси миришкорларни бу йил 100 гектар майдонда пахта, 104 гектарда карам етиштиришга бел боғлашган. 30 гектар ердаги карам пишиб етилди. Сабзавоткорлар маҳсулотни пешма-пеш узиб, шаҳарликларга жўнатишаяпти. Бригадада ғўза парвариши ҳам намунали олиб борилаётир. Ниҳолларни яганалаш куни кеча ниҳоясига етказилди. Н. Ҳамидова, С. Назирова, О. Шарипова, Ш. Маъмурова, О. Мирзаева, М. Холиқов ва И. Абдураҳмонов сингари мусобақадошлар бу борада жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Қ. Бекмуродов.

ХУШХАБАР

Ғиждувон районида бу мавсумда ипак қурти боқишни хоҳлаётганлар сони анча кўпайди — бунда пилла харид нархлари оширилгани ўз таъсирини кўрсатди. Бу район раҳбарларини қувонтирмоқда: ҳозир бу ерда бир неча минг киши мунтазам ишлаш имкониятига эга эмас.

«СССР 60 йиллиги», «Зарафшон» жамоа хўжаликларида, Ғиждувоннинг бошқа йирик хўжаликларида ҳар қути уруғнинг салмоғи кўпроқ ва «қумуш тола» сифати юқорироқ бўлиши учун қутиларини оз-оздан беришга қарор қилишди. Ҳозир ҳатто энг тажрибали пиллакорлар звенолари ҳам атиги бир-икки қути қурт боқишмоқда. Лекин бунда ҳам барчага иш етмоқда.

◎

Каттақўрғон гўшт учун парранда етиштириш бирлашмаси маҳсулот ўраш, парранда гўштидан колбаса ва сосискалар тайёрлаш учун Голландиядан ускуналар сотиб олишга икки ярим миллион сўм пул ажратди. Ҳозир катта цех қурилмоқда, у ерда Голландиядан сотиб олинган ускуналар ўрнатилади.

Бирлашмада ўз сармояларидан ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантиришнинг самарали андозаси ишлаб чиқилган. Асосий йўналишлардан бири ярим тайёр таомлар билан бирга ликда тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришдир. Айни вақтда бу маҳсулотлар ўзларининг фирма дўконлари тармоғи орқали харидорларга сотиладиган бўлади. Натижада савдо ташкилотларининг воситачилигига кетадиган харажатлар камаяди. Ҳисоб-китобларга қараганда, сарфланган пуллар бирлашма ходимларига катта фойда келтиради. Харидорлар эса арзон нархда тансиқ таомлар олишади. Чунки маҳсулот таннархи арзонлашади.

ШУНДАЙ ЧЎПОН БОР

Бойсун районидаги «Сайроб» давлат хўжалиги қўйчивонлари тўл мавсумини муваффақиятли ўтказдилар. Қарийб 21 минг бош совлиқдан 21 минг 75 бош қўзи олинди. 13.961 бош соғлом қўзи ўстиришга қолдирилди.

...Эрта баҳор эди. Салкам бир ойга чўзилган ёғингарчиликдан сўнг қуёшнинг заррин нурлари борлиқни нурафшон этди. Қир-адирларни бир текис қоплаган ям-яшил ўтлар қулоқларидаги шабнам сирғалар кумушдек товланиб, кўзни қамаштиради. Бешэркак қишлоғи марказидаги қўралардан саф тортиб чиқаётган қўй-қўзилар баҳорга чирой бўлиб қўшилган.

— Хайит отанинг отарига борамиз, — деди хўжалик директори Шукур Пардаев. — Хўжаликда биринчи бўлиб шартномадаги қўзини олди. Ҳар юз бошидан 123 тадан қўзи оламан, деганди. Ундан ҳам оширди. Совхоз ташкил этилганидан буён чўпонлик қилади. Хайит ота пенсияга чиққанига уч йил бўлди. Давлатдан 120 сўм нафақа олади. Ўғли Аваз ёнига кириб қолди. Кўп йиллар турмуш ўртоғи Зулайҳо ая унга ёрдамчилик қилди. Аёл бўлса-да, бир эркакча ғайрати борлигини қишлоқдошлари тан олишади. Қўксига Меҳнат Қизил Байроқ ордени таққан чўпон аёл вилоятда ягона бўлса керак. Ўғиллари вояга етгач, она фарзандларининг иссиқ-совуғидан хабардор. Хайит отанинг укаси Оллам, Ҳасанлар ҳам бир отардан қўй боқишади. Уларни бемалол чўпонлар сулоласи, деса бўлади. Бултурдан ижара пудратини тўлиқ жорий этишда Хайит аканинг ҳиссаси катта бўлди. У янгича системанинг моҳиятини тезда тушунди. Янгиликни жорий этиш иқтисодий аҳволни ўнглашини, чўпоннинг косасини оқартирадиган бирдан-бир тўғри йўл эканлигини ҳамкасбларига тушунтирди. Бировга маъқул бўлди, баъзилар «Хайит чўпон раҳбарларнинг пинжига кираяпти», дейишди. Нимаси ёмон бўлибди, қўйчиликда ижара тўғри йўл эканлигини амалда исбот этса.

Бир пайтлар «Сайроб» давлат хўжалиги вилоятдаги илғор жамоалардан бири эди. Аста-секин яйловлардан қут-барака кўтарилиб, қарзга бота бошлади. Чўпонларнинг бирдан-бир илинжи беш-ўнта қўйи бўлиб қолди. Ҳар бош жониворни боққанлиги учун 0,53 сўм ҳақ тўланарди, холос. Бошқа ҳеч қандай мукофот бўлмасди. Ижаранинг моҳияти — чўпон хўжалик билан маҳсулот сотиш тўғрисида йил бошида аҳдлашади. Шартномадагидан знёд қўзи олинса, жун ёки гўшт топширилса, ортиқчасининг тенг ярми уники. Бултур февраль ойида фақат қўйчиликда 74 ижарачи билан шартнома тузилди. Шундан кейин давлат 4 миллион 26 минг сўм узоқ муддатли қарздан кечди. 1989 йилда бор-йўғи 25 минг сўм фойда кўрилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 260 минг сўмга етди.

Машинадан тушиб, чўпон томон юра бошладик. Сурув кетидан юрган Хайит аканинг ўзи экан. Бешэркак яйловининг саҳоватини илгари кўп эшитганмиз. Ривоятларга қараганда, бир бой бу жойнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, уни беш боз эркак тойга сотиб олган эмиш. Ҳозир 8,7 минг бош, шахсий хўжаликларнинг худди шунча қўй-эчкиси яйраб юрган 18 минг гектар серўт ер ўша бойнинг ихтиёрида бўлган. Шундан бу исм қолган. Чўпонлар май ойининг охиригача қўй-қўзиларни яйратишиб, сўнгра Кенгтала тоғига йўл оладилар. Пенсия чиқиб, кексалик гаштини сураётган Қўнғир Суюновнинг ўғли Мирза ижарачиларга етакчи. Қишлоқнинг оқсоқоли, деб Хайит ота Абдуназаровни тан олишган.

Ёмғир тез-тез ёғиб, кетидан қуёш қиздирса, ўт кўтарилиб, қўйлар тўйса, чўпоннинг кайфиятини сўз билан ифодалаш қийин. Қаршимизда турган отахон билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, Хайит отага бошданоёқ разм солдик.

— Тулпор йили тантиликда, қут-баракада саховатли бўлди, — деб сўз бошлади у салом-аликдан сўнг. — Қўй йили ҳам ҳеч кимни кам қилмаслигига умид боғлаяпмиз.

— Бобо бардамми? — суҳбат орасида директор Хайит аканинг отаси ҳақида сўради.

— Бобо ҳали тетик, Шукуржон, — жавоб қилди у. —Тунов куни қўйга Авазни қолдириб, Қоракамарга бориб келдим. Отам билан суҳбат қилдик. Ўзига эргаштириб юрган пайтларини эслади. Падарбузрукворимизнинг бир ўгити асло ёдимиздан кўтарилмайди. Ўша кезларда бизни фақат ҳалол меҳнатга ундаган, енгил-елпи йўллар билан шуҳрат қозонишдан ўзингни тий, деганлар. Товони қўлидаги таёғидан ҳам чидамли йигит ҳақиқий чўпон бўлади, деб кўп айтардилар.

Ҳақиқатан ҳам ижара чўпон косасини оқартиришига ишонса бўладими? Бултур Хайит ота отаридаги 340 совлиқнинг ҳар юз бошидан 123 тадан қўзи олди. Қўзиларнинг 274 бошини ўстиришга қолдирди. 130 бош қўзини олти ой давомида яйловларда парвариш қилиб, Термиз гўшт комбинатига топширди. Ҳар қўзи унга 130 сўмдан даромад келтирди, 2,5 килограммдан жун сотди. Қоракўл тери сотиш билан қўшиб ҳисоблаганда отаридаги бир сурув қўй хўжаликка 60 минг сўм даромад берди. Йил давомида ота-бола шартномада кўрсатилган иш ҳақидан тўрт минг сўмини олишган. Ҳамма ҳаражатлар ҳисоб-китоб қилингач, яна 13.520 сўм фойда қолаяпти. Келишувдагидан знёд 70 бош қўзининг тенг ярми ота-боланики.

Фақат Хайит ака эмас, бошқа ўнлаб илғор чўпонлар ҳозир ижарада меҳнат қилаётганликларига бир йил бўлса-да, унинг нафини рақамлар асосида таҳлил қилиб беришаяпти. Холмурод Шониёзов, Мелиқул Ҳаққулов, Равшан Бекмуродовлар ўртада тузилган шартномани ортиғи билан бажарганликлари учун яхшигина даромад қилишди. Хайит ота қишлов ҳар қачонгидан оғирроқ келган йилда ҳам хўжаликдан уч минг сўмлик омухта ем, 10 тонна сомон олди, холос. Энди то кузгача озуқа сарфи бўлмайди.

Илғор чўпоннинг яна бир мулоҳазаси диққатга молик. Дарҳақиқат, қўйчилик тўлиқ ижарада бўлгач, ҳар ким ўзи етиштираётган маҳсулотининг ҳақиқий эгаси бўлиши, унинг миқдорига, сифатига масъул бўлиши зарур. Чунончи, жорий йилдан бир дона юқори нав терининг харид баҳоси 133 сўмгача белгиланган. Шундан кейин нима учун совхоздан сотиладиган 9,7 минг дона терини бир қилиб топшириш керак? Унда кимнинг маҳсулоти аъло ёки сифатсиз эканлиги қоронғу бўлади. Бултур хўжаликда қоракўл терининг ўртача баҳоси 28 сўмдан ошмади. Ҳолбуки, айрим фермаларда бу кўрсаткич анча юқори бўлиши мумкин эди. Хайит ота синғари тажрибали чўпонлар хўжалик раҳбарияти олдига тери, жунни ҳар ферма алоҳида топширишини ташкил этиш масаласини қўйишмоқда.

— Ижара пудрати хўжаликни бошқаришни бирмунча енгиллаштирмоқда, — дейди Шукур Пардаев. — Илгаригидек қишловда кўп тўл мавсумида чўпонларни безовта қилишнинг ҳожати йўқ. Жорий йилда қўзилатиш апрель ойининг бошидаёқ ниҳоясига етди. Холмурод Шониёзов, Ҳайдар Кўчкинов, Алимардон Шоймардонов, Бекмирза Бойқобилов, Абдужаббор Жўрақулов, Парда Суюнов сингари кўплаб чўпонлар ҳар 100 бош қўзи олишиб, 120 бошдан қўзи олишиб, унинг 70—80 фоизини ўстиришга қолдирдилар. Ижарачилар олдида ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотидан хижолатда қолаяпмиз. Чўпонларнинг ҳолидан хабар олишда жиддий қийинчилик туғилади. Жумҳурият Президентининг фермонига мувофиқ ҳар бир оилага 3 тоннадан буғдой тарқатдик. Ҳозир хўжалик ҳудудида 4 та тегирмон ишлаяпти. Улар ўн таҳчиллигини сезишгани йўқ. Ўй-жой қурилишини, айниқса, чўпон уйларини жадаллаштириш мақсадида Красноярск шаҳри билан 1.100 кубметр ёғочга шартнома туздик. Эвазига узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб берамиз.

Бешэркакда бир чўпон бор, дейишганида сурув кетидан қарийб ярим асрдан буён ота ўгитига амал қилиб, асло кам бўлмаётган Хайит Абдуназаров кўз ўнгимиздан ўтади.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ИЖОДИЙ ХОДИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бухорода, Ситораи моҳи хоса музей қўриқхонасида шаҳар носирлари, шоирлари, журналистлари, меъморлари, адабиётшунос олимлари ва тарихчиларининг Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, шунингдек вилоят партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров очди.

Бугунги кунда ижодий ходимларни тўлқинлантираётган муаммолар — Бухоро тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ишлари суст бораётганлиги хусусида жонли фикр алмашув бўлди. Инқилобдан кейинги йилларда шаҳардан ноёб буюмлар олиб кетилганлиги, ҳозир улар Москва, Ленинград, Иваново, Самара ва бошқа шаҳарлардаги музейларни безаб турганлиги таъкидланди. Учрашувда ана шу ноёб буюмларни тез орада она-Ватанга қайтариш тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Бухорода ижодкорлар боғи, Фитрат уй-музейини ташкил этиш, вилоят марказида янги театр биносини қуриш, жумҳурият нашриётларидан бирининг бўлимини очиш ҳақида таклиф киритилди.

Жумҳурият тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси Н. А. Муҳитдинов Бухоронинг 2500 йиллигини байрам қилиш юзасидан яқин келажакда бажарилиши лозим бўлган катта тайёргарлик ишлари тўғрисида гапирди.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров қатнашди.

Кўркам, замонавий биноларни кўрганда кўз қувнайди, дил яйрайди. Уларнинг ижодкорларига ич-ичидан таҳсин айтасиз. «Ташоблагропроект» лойиҳалаш институти жамоаси вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда изланишлар кўлами кенг. Жойлардан олинган буюртмалар ўз вақтида, бекамикўст уддаланаяпти. Лойиҳаларни тайёрлашда миллий меъморчилик анъаналаринга қатъий амал қилинаётир.

СУРАТДА: режалаштириш бўлими инженери М. Муҳамедова (чапдан) ҳамда шу бўлим бошлиғи В. Сухачева.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ДЕПСИНИШ

Жумҳурият омихта ем саноати ёрдамга муҳтож

Очиғини айтиш керак: бугунги кунда Ўзбекистон Дон маҳсулотлари вазирлиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган омихта ем паррандачилик эҳтиёжларини қондира олмаяпти. «Узптицепром» тармоғида вужудга келган аҳвол ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимирламайди. Қолоқликнинг муайян сабаблари бор. Сир эмас, паррандачилик хўжаликлари омихта ем билан етарли миқдорда таъминланаётгани йўқ. Боз устига сифати ҳам кўпда талабга жавоб бермайди. Мутахассислар хулосасига кўра, 1990 йилда ишлаб чиқарилган ана шу саноат озуқасининг 20 фоизида товуқжўжалар учун ғоят фойдали ҳисобланган протеин моддаси нормадагидан камлиги аниқланди. Бу эса маҳсулдорликни оширишга салбий таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан маълум.

Оловсиз тутун бўлмаганидек, билдирилаётган эътирозларда жон бор. Вазиятни чўқурроқ таҳлил қилиб кўрайлик. Паррандабоқарларни тушуниш мумкин: улар тармоқнинг оқсаётганидан ташвишда. Зотан мустаҳкам озуқа асосини яратмай туриб бу соҳада жиддий силжишга эришиб бўлмайди. Парҳез гўшт ва тухум етиштиришни кўпайтириш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш ҳамда улардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш лозим. Бу — ҳаёт тақозоси. Таркиби саноат асосида бойитилган омихта ем паррандачилик равнақида алохида ўрин тутишини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Уни тайёрлаш ўзига хос мураккаб технологик жараён бўлиб, бунда ҳар бир ишни аниқ-пухта, қатъий «рецепт» асосида бажариш талаб қилинади. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида вазирликка қарашли корхоналарни хом ашё билан таъминлаш ғоят ўткир бўлиб турибди. Афсуски, жойларда не машаққатлар эвазига етиштирилган қимматли озуқадан тежаб-тергаб фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Унинг бир қисми турли йўллар билан исроф қилинаётганлиги ачинарлидир.

Маълумки, бозор иқтисоди муносабати билан омихта емнинг харид баҳоси оширилди. Илгари хўжаликлар унинг ҳар тоннасини 187 сўмдан сотиб олган бўлишса, эндиликда 300 сўм атрофида маблағ сарфлашаётир. Лекин бу билан аҳвол ўнгланиб қолгани йўқ. Тайёрловчилар ўз маҳсулотларини қимматроқ сотишни, истеъмолчилар эса арзонроқ олишни истайдилар. Занжирнинг бир учи яна хом ашё масаласига бориб тақалади. Гап шундаки, ғалла маҳсулотларининг баҳоси оширилгани республикамизда омихта ем қимматлашишига олиб келди. Бу ҳол вазиятни баттар мураккаблаштиряпти.

Паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш мустаҳкам озуқа базасига боғлиқлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Дон маҳсулотлари вазирлиги корхоналарида бу масалага ҳаётий эҳтиёж сифатида қаралаётганлиги айни муддао. Натижада омихта ем ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Лекин бу ҳам ўсиб бораётган талабларни қондира олмаяпти. Вазифа аниқ: технологик жараёнларни такомиллаштириш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш эвазига парранда озуқаси тайёрлашни 2—3 ҳисса кўпайтириш лозим. Ана шунда тармоқдаги муаммоларни ҳал этиш осон кўчади.

Гап озуқа саноати устида борар экан, сўнги беш йил мобайнида амалга оширилган муайян ишлар хусусида тўхталмасдан ўтиб бўлмайди. Томчида қуёш акс этади, дейди халқимиз. Қишлоқ жойларида саноат шохобчаларини кенгайтиришга катта эътибор берилаётганлиги нур устига аъло нур. Мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда Оқолтин дон маҳсулотлари комбинати қошида омихта ем заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда асосий юмушлар механизациялаштирилган. Бир кеча-кундузда 650 тоннагача парранда озуқаси тайёрланаяпти. Ушбу корхона билан қарийб бир вақтда ишга туширилган Яккабоғ ва Дўстлик комбинатларида кўрсаткичлар хийла пастроқ: маҳсулот миқдори кунига 100—265 тоннани ташкил этаяпти. Тошкент ҳамда Учқўрғон комбинатлари ҳам нисбатан кенжа корхоналар сирасига киради.

Ишбилармонлик ва тежамкорлик ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тармоқда янги технология ҳамда ибратли тажрибаларни қўлланиш ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини бераяпти. Гагарин шоли заводи қошида кичик цех очилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерда бир кеча-кундузда 50 тонна тўйимли аралаш озуқа ишлаб чиқарилаяпти. Яқин икки йил ичида унинг қувватини икки ҳисса ошириш мўлжалланмоқда. Бундай ички имкониятлар ҳамма жойда бор. Гап уларни қидириб топишда. 1985—1990 йиллар давомида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда модернизациялаштириш туфайли Қўқон, Ленинск, Тахиатош, Навоий дон маҳсулотлари комбинатларида чорва озуқаси тайёрлашни сезиларли даражада оширишга эришилди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Хонқа, Шўрчи Қарши, Жомбой корхоналарида эскирган ускуналар ўрнига янгилари ўрнатилиб, техник жиҳатдан қайта таъмирланди. Вазирлик мутахассислари таъкидлашганидек, ҳозирги кунда жумҳуриятимиз қудратли ва замонавий омихта ем саноатига эгадир. У тармоқлар бўйича ихтисослашиб бораяпти. Айтайлик, бир корхона мураккаб таркибли, ширадор озуқа ишлаб чиқаратган бўлса, иккинчиси бошқа хилини тайёрлаб бераяпти. Асосий жараёнлар автоматлаштирилган. Хонқа ҳамда Тошкент дон маҳсулотлари комбинатларида ЭҲМдан фойдаланилмоқда. Бу тармоқни илмий-техник жиҳатдан ривожлантиришда янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Айни кунларда вазирликка қарашли 11 корхона парранда озуқаси ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилмоқда. Кўп ўтмай улар сафига янгилари қўшилади. Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида барпо этилаётган омита ем заводида жиҳозлаш юмушлари ниҳоясига етаяпти. Бу борада Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигига қарашли махсус қурилиш-монтаж трести бунёдкорлари катта ғайрат кўрсатаяптилар. Корхонани шу йил ёзида фойдаланишга топшириш мўлжалланаётир. Унинг лойиҳа қуввати —кунига 650 тонна. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа районида ҳам озуқа заводи қуришга киришилди. У 1993 йилдан маҳсулот бера бошлайди. Яқин келажакда Шаҳрисабзда ҳам ана шундай корхона барпо этиш режалаштирилган.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Сиртдан қараганда, омихта ем саноат юксалиш йўлидан дадил одим ташлаётганга ўхшайди. Аслида ҳам шундаймикин? Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Бор ҳақиқат шу: мавжуд аҳвол биз кутган даражада қувонарли эмас. Юқорида таъкидланганидек, омихта ем таркибида протеин моддасининг камлиги, баъзан фойдаланиш учун яроқсизлиги ҳақида кўплаб танқидий фикрлар билдириляпти. Бунинг сабаби нимада? Тармоқдаги вазият яхшиланиш ўрнига ёмонлашиб бораётганини қандай тушуниш керак? Паррандабоқарлар омихта ем таркибини маккажўхори талқони ва бошқа моддалар билан зарур даражада тўйинтиришни талаб қилаверib чарчашди. Уларнинг кўйиб-пишиши бежиз эмас. Ўзаро суҳбат чоғида вазирликнинг донни қайта ишлаш саноати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э. Бекиров ҳам буни тан олди. Зарур даражада тўйинтирилган омихта ем товуқ ошқозонида яхши ҳазм бўлади. Уларнинг маҳсулдорлиги ҳам асосан шунга боғлиқ.

Савол туғилади: жумҳуриятимизда маккажўхоричиликнинг аҳволи қандай? Афсуски, бу жиҳатдан ҳам мақтана олмаймиз. Ўтган йили озуқа заводларига 280 тонна ўрнига атиги 70 тонна макка дони етказиб берилди. Бинобарин, омихта ем камлиги ҳамда сифатининг пастлиги учун ҳадеб тайёрловчиларни айблаш ўринлимикин? Биз уларни оқламоқчи эмасмиз. Лекин инсоф билан айтиш керак: хом ашё етарли бўлмагач, борига барака қабилида иш тутишдан бўлак чора қолмайди-да. Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маккажўхори майдонларини кенгайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиламаяпти. Ваҳоланки, бу экиннинг чорвачилик ва паррандачилик тараққиётидаги ўрни беқиёс. Саноат озуқаси танқислиги, сифати ёмонлиги ҳақидаги эътирозларни ҳар қадамда эшитишга тўғри келаётир. Узоққа бормайлик. Тошкент вилояти хўжаликлари бултур режадаги 27,8 минг тонна ўрнига бор-йўғи 6 минг тонна маккажўхори дони етказиб бердилар. Бундай «суръат» билан озуқа таъминотидаги узилишларга чек қўйиб бўлармикин? Бухоро вилоятида паррандачилик муттасил оқсаб келаяпти. Шунга қарамасдан, ўтган йили 27 минг тонна ўрнига 73 тонна макка дон тайёрланди, холос.

Жорий йилда тармоқда кўпдан бери кутилаётган туб бурилиш содир бўлармикин? Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Очиғи, ишларнинг ўнгланиб кетишига умид йўқ. Бешинчи ой ўтиб бораяптики, аҳвол ўша-ўша. «Узптицепром» бу йил 900 минг тонна саноат озуқасини реализация қилишни режалаштирган. Дон маҳсулотлари вазирлиги корхоналарида эса 700 минг тонна ёки бултургидан 130 минг тонна кам омихта ем ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Ҳали булар ҳаммаси эмас. 700 минг тонна маҳсулот тайёрлаш учун 180 минг тонна маккажўхори дони зарур. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлса, ҳозирданоқ 150 тоннадан ортиқ беролмаслигини шаъма қилаяпти. Бу ҳам майли-я, кўпинча ваъдалар амалий иш билан мустаҳкамланмайди. Нима қилиш керак? Дончилик тўйимли, ширадор озуқа тайёрлашда асосий манба экانлиги маълум. Шундай экан, ғалла етиштириш бўйича давлат буюртмаларининг сўзсиз бажарилишига эришиш, бу борада қатъий тартиб ўрнатиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда, биринчидан, чет эллдан валюта ҳисобига дон сотиб олишни хийла қисқартириш, иккинчидан, паррандачилик саноатини арзон хом ашё билан таъминлаш мумкин бўларди.

Тармоқда шунга ўхшаш ечимини кутаётган муаммолар кўп. Омихта ем тайёрлаш учун зарур бўладиган балиқ унини олайлик. Мамлакатда бу маҳсулотни ишлаб чиқариш системали равишда қисқартириляпти, чунки балиқ заҳиралари йил сайин камайиб бормоқда. Республика ёғ-мой корхоналари ишлаб чиқариш чиқитларини етказиб бериш юзасидан белгиланган шартнома мажбуриятларини бажармаяптилар. Озуқа хамиртуруши (дрожжа) таъминотида ҳам аҳвол ташвишли. Бу хом ашёни асосан Андижон ва Янгийўл гидролиз заводлари, Фарғона кимёвий фуран бирикмалари корхонаси, шунингдек Хабаровск ўлкасидаги Хор биокимё заводи етказиб беради. Янги йилдан бошлаб вазият ўзгарди. Чунончи, хабаровсклик тайёрловчилар хамиртурушни омихта емга айирбошлашни талаб қилишяпти. Сал олдинроқ Андижон гидролиз заводи билан шундай ҳол юз берган эди. Ҳозир у шаҳар экологиясига зарар етказаётган корхона сифатида ёпилган. Бунга эътироз йўқ. Қайтанга яхши: атроф-муҳит мусаффо бўлади. Вазирликдаги мутасадди ўртоқларни бошқа нарса кўпроқ ташвишлантирмоқда. Иўқотишлар ўрнини қандай қилиб қоплаш керак? Иқтисодий танглик вазиятидан чиқишнинг мақбул йўли борми? Бу саволларга ижобий жавоб топилмас экан, жумҳурият омихта ем саноати бир жойда депсиниб туравериши аниқ.

И. АХМЕТОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ФАХРИЙЛАР УЧРАШУВИ

Оржоникидзе районининг Май қишлоғида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига тикланган ёдгорлик бор. Зиёратгоҳ айниқса байрам кунлари гавжум бўлади. Яқинда уруш фахрийлари, байналмиларга жангчилар бу ерга келиб, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар. Сўнгра Бўзсув канали бўйида янги очилган чойхонага йиғилдилар.

Тўпланганларни уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгашининг раиси Жўра Хоназаров муборакбод этар экан, беихтиёр ўша суронли йилларни хотирлади. Мислсиз жангларда бугунги тинч, осойишта кунлар учун жонини фидо қилган 8 мингга яқин қуролдошлар бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Каримов оналарни фарзандидан, ғўдакларни отасидан, келинчакларни суюкли ёридан жудо этган, қанчадан-қанча Алпомишдек йигитларни тупроқ домига тортган бешафқат урушни лаънатлаб, бундан кейин фақат тинчлик, тўкинлик, одамлар ўртасидан қадр-қиймат, меҳр-оқибат кўтарилмаслигини таъкидлади.

Районда ўта камтар, камсуқум бир инсон яшайди. У ўзининг ҳалол меҳнати эвазига биология фанлари доктори даражасигача кўтарилган СССР Давлат мукофоти соҳиби Р. С. Михалянцдир. Шу куни собиқ жангчига уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг фахрий ёрлиғи берилиб, миллий одатга кўра тўн ва дўппи кийгизилди.

Р. Михалянц, аввало ўзбеклар диёрида яшаётгани, шу ерда дўст-биродарлар орттириб, қадр топганидан беҳад мамнун эканини фахр билан гапирди. Қуролдош дўстларига соғлиқ, тетиклик, узоқ умр тилади.

Тузель қишлоқ Кенгаши фахрийлар кенгашининг раиси Собирбек Тўрабеков, байналмиларчи жангчи Туроб Расулов, Узбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров барчага энг эзгу ниятларини изҳор этдилар.

— Қадрли жангчилар, ватаннинг содиқ ўғлонлари, — дея мурожаат қилди район партия комитетининг биринчи котиби Абдусамад Носиров.— Сизлар биз учун ниҳоятда азизсиз. Осойишта ҳаётимизни таъминлашда жон олиб, жон бериб, ёшлигингиз, соғлиғингиз, куч-қувватингизни аямагансиз. Бизлар уруш даҳшатларини китоблар, кино лента-лари орқалигина биламиз. Бугун сизларнинг хизматингизга шаймиз.

Қуролдошлар сўлим чойхонада тўкин дастурхон атрофида анчагина чақчақлашиб ўтиришди. Уларнинг мароқли дам олишларида Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров ҳамда Қибрай маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Р. УСМОНОВА.

ПИРОВАРД НАТИЖАГА ҚАРАБ

Карл Маркс номли давлат хўжалигининг бўрдоқичилик фермасида боқилаётган моллар бир кеча-кундузда семиришга қарийб чорак ҳисса ошди. Шу кунларда моллар бир кунда 700 грамм семирмоқда.

Албатта, бу муваффақиятда жамоа чорвачилиги озуқа базасининг мустаҳкамланиши ва наслчилик ишларининг яхшиланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин пудратнинг жорий этилиши муваффақиятнинг асосий гарови бўлди, деб ҳисоблашмоқда ферма ходимлари. Янги шароитда ҳар бир кишининг ўзига топширилган иш учун масъулияти ошди, сансалорликка ва текисчиликка барҳам берилди. Энди молбоқарлар пировард натижага кўра, маош олишмоқда.

Сурхондарё вилояти.

Диққат: янгилик!

БИОГУМУС ҚУДРАТИ

▲ СУҲБАТДА ТУҒИЛГАН ҒОЯ ▲ ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ
▲ ДАДИЛ ҚАДАМ ▲ ХАЙРИХОҲЛАР ТОПИЛДИ
▲ НИТРАТСИЗ САБЗАВОТ

Одатда ҳар бир янгилик бирор туртки сабабли вужудга келади. Қўрғонтепа районида Калифорния қизил чувалчанглари етиштирила бошланишида ҳам худди шундай бўлди. Ҳамма гап андижонлик деҳқонлар тажрибаси билан танишаётган исроиллик ҳамкасбларининг суҳбатидан бошланди. Улар бу ердаги экин майдонларида қанча миқдорда гумус борлиги билан қизиқдилар. Аммо саволларига ижобий жавоб олишолмади. Биз минерал, маҳаллий ва кимёвий ўғитлардан фойдаланишга ўрганиб қолганмиз. Ерни гумуслашни эса ҳатто хаёлимизга келтирмаймиз.

Ана шу суҳбат шоҳиди бўлган Рустамжоннинг ороми йўқолди. У Қўрғонтепа районидаги «Дўстлик» деб аталган жамоа хўжалигига раҳбарлик қилар, хўжалик эса асал етиштиришда шуҳрат қозонган эди. Аммо янгиликка бўлган қизиқиш унга тинчлик бермай қўйди. У дастлаб қомус ва адабиётлардан ўқиб, гумус ҳақида тўлароқ тушунча олди. Сўнгра уни қаерларда етиштиришаётгани билан қизиқди. Манзилгоҳларни аниқлаб, Қирғизистонга, Калининград ва Ивано-Франковск вилоятларига борди. Айниқса, Ивано-Франковскда гумус тайёрлаб берувчи Калифорния чувалчанглари етиштириш технологияси унга жуда маъқул бўлди.

Хўжалик раҳбарини биринчи навбатда биогумусдан олинадиган фойда эмас, унинг экологик нафи қизиқтириб қолди. Қани энди Қўрғонтепа районидагина эмас, вилоятда ва бутун республикада ҳам кимёвий, ҳатто минерал ўғитлар ўрнига биогумусдан фойдаланилса. Харажат ҳам кўп бўлмайди. Экин ва сабзавотдан юқори ҳосил олиш учун бир гектар ерга икки тонна соф ёки 4—5 тонна аралаш биогумус солиш кифоя. Экин майдонига солинган биогумуснинг қувватининг уч йилга етади. Жумҳуриятимиздаги барча хўжаликларда бу усулни қўллана бошланса, полиз маҳсулотлари, сабзавотдан заҳарланиш бўлмас эди.

Маълумоти бўйича иқтисодчи Рустамжон Усмонов лоақал ўз хўжалигида биогумус етиштирилса қандай натижага эришиш мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Агар имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилса, чувалчангларни кўпайтириб, биогумус етиштириш ҳисобига бир гектар ердан йилига 300 минг сўмлик маҳсулот олса бўларкан. Энг асосийси эса — аҳолини нитратсиз сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашга имкон яратилар экан.

Шуни айтиш керакки, ерни кимёлаштириш натижасида зараркунандалар қаторида фойдали ҳашоратлар, тупроққа ҳаёт бағишловчи чувалчанглар қирилиб кетди, сув ва ҳаво ифлосланди.

Жамоа хўжалиги раиси ҳеч иккиланмай Ивано-Франковск вилоятига йўл олди. У ердаги уюшма билан танишди, унинг қошида ташкил этилган биогумус илмий-тадқиқот институтида бўлди. Улар билан ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома тузилгач, беш миллион дона чувалчанг олиб қайтди. Райондаги Фрунзе номли сабзавотчилик ва уруғчилик совхозининг картошка сақлайдиган омбори ижарага олинниб, чувалчанглар ўша ерда парваришлана бошлади.

Калифорния қизил чувалчанглари ўта фаоллиги, сермаҳсуллиги, саноат усулида кўпайтиришга қулайлиги билан оддий ёмғир чувалчангларидан ажралиб туради. Ёмғир чувалчанглари ўзидан бўлиниб кўпайса, улар йилда тўрт марта — ҳар гал 24 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан ғумбаклар уч ойда етилади. Аммо нозик бўлиб мўътадил намлик ва иссиқликни ёқтиради. Шуниси яхшики, улар овқат танламайди. Ҳозир хўжаликда парваришланаётган чувалчанглар сони 60 миллионтадан ошди. Калифорния чувалчанглари «ёвойилар»идан бирмунча кичикроқ. Унинг узунлиги 9 сантиметргача, оғирлиги эса бир граммгача бўлади. У ҳар куни ўз вазни оғирлигига тенг органик моддаларни ейди. Бу чувалчанглари чинакам гумус фабрикаси дейиш мумкин. Улар чорвачилик фермасидан олинадиган бир тонна органик чиқитдан 600 килограмм биогумус «тайёрлаб беради». Бу чувалчанглар 16 йилгача яшаши мумкин. «Еввойилари» эса 4 йил умр кўради.

Биогумус — тенги йўқ табиий ўғит. Унда ўсимлик учун барча озуқа элементлари мавжуд. Биогумусдан фойдаланиб етиштирилган гуллар айниқса, хушбўй бўлади. Рустамжон Украинадан келатуриб ўзи билан бир неча халтача биогумус олиб келган эди. Уни томорқага экилган картошка ва помидорда синаб кўришди. Янги ўғитдан ер кучланиб, экин кўчатлари бақувват бўлди. Ҳосилдорлик эса мўлжалдагидан 2—2,5 баравар ортди. Олинган маҳсулот озиқ-овқат лабораториясида текшириб кўрилди. Анализ уларнинг таркибида нитрат йўқлигини кўрсатди.

— Иш бошлаганда чувалчангларни саноат асосида кўпайтириш ва биогумус олишни мақсад қилиб қўйган эдик, — дейди жамоа хўжалиги раисининг муовини Эрматжон Тўрахонов. — Ҳозир 80 тонна тайёр биогумус бор. Уни қуритиб, донадор қилувчи агрегатларни ҳам келтириб қўйганмиз. Уни вилоятимизнинг Марҳамат райони деҳқонлари сотиб олишмоқчи. Чет эллик харидор ҳам топилди. Германиялик фермерлар бир килограмм биогумус учун уч маркадан ҳақ тўлаш истагини билдиришди. Биз бу пул эвазига улардан электртехника корхоналарида ишлатиладиган махсус металл оладиган бўлдик. Биогумусни қадоқлаш учун махсус плёнка ишлаб чиқарувчи цех ҳам қурдик.

Жамоа хўжалиги янги тармоқни ривожлантиришда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Асосийси эса тажриба участкасининг йўқлигидир. Хўжалик раҳбарлари совхознинг чувалчанг боқилаётган омборига яқин 90 гектар экин майдонини ижарага беришларини сўрашди. Бу ердан тажриба участкаси сифатида фойдаланмоқчи бўлишган эди. Чунки биогумусни дала шароитида синаб кўриш учун камида 30 гектар ер керак. Шунинг ярмисида эски усулда, ярмисида эса гумусдан фойдаланган ҳолда сабзавот етиштириш кўзда тутилган эди. Совхоз ишчилари билан суҳбатда улар ижарачиликка рози бўлишди. Аммо совхоз раҳбари шунча ерни бераманми, деб оёқ тираб олди. Бўлмаса бошқа жойдан ер ажратиб бериш таклифи эса район раҳбарларига ёқмади.

Аммо янгиликнинг қадрига етадиган, унинг моҳиятини тушунадиган кишилар ҳам бор экан. Жайрихоҳлар қўшни Қирғизистон республикасининг Жалолобод вилоятидаги Барпи номли жамоа хўжалигидан топилди. Улар ташаббускорларга 30 гектар мевазор боғни ўн йил муддат билан ижарага беришди. Ижарачилар хўжаликка ҳар йили 26,6 минг сўмдан тўлайдиган бўлишди. Янги жойда ўн гектар майдон шудгор қилиниб, турли сабзавот экинлари экилди. Чувалчангларни кўпайтириб, биогумус олиш учун махсус ҳандақлар тайёрланди. Шу тариқа табиий лаборатория вужудга келмоқда.

— Тўғри, бизга яқинда чувалчангларни ташқарига чиқармай, шу ернинг ўзида кўпайтиришни таклиф этишди, — дейди жамоа хўжалиги раиси. — Аммо бу таклифни қабул қила олмадик. Биринчидан, бизга таклиф этилаётган ер сувсиз адир эди. Бу ерда чувалчангларнинг кўпайиши учун шароит йўқ. Иккинчидан, раҳбарлар бу таклифни жуда кеч — биз қўшни республикадан ижарага жой олиб, чувалчангларни кўчира бошлаган пайтда айтишди.

«Дўстлик» жамоа хўжалиги тажриба участкасида консерва цехи қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ижарага олинган боғда етиштирилган мева ва тажриба участкасидаги сабзавотлардан бу ерда консерва тайёрлаш йўлга қўйилади. Сабзавотлар нитратсиз бўлади, албатта.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАҒ мухбири.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАТИКАН. Рим-католик черковининг бошлиғи Иоанн Павел II 1992 ёки 1993 йилда Совет Итифоқига сафар қилиши мумкин. Ватикан давлат котиби Анжело Содано журналистлар билан суҳбатда шу ҳақда гапирди. У ана шу тарихий ташрифни амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар ҳозирдаёқ яратилганини таъкидлади.

Ватикан давлат котиби Рим папасининг бу сафари чуқур рамзий маънога эга бўлишини айтди. Понтифик энг аввал Москвага, кейин эса Қозоғистон ва Сибирнинг баъзи узоқ ерларига боради. Бу ерларда барча мушкулликларга қарамай, сонли католик жамоалари сақланиб қолган. А Содано Иоанн Павел II СССРдаги, масалан Украина ва Литвадаги энг катта католик жамоаларига бориш имкониятидан ҳам фойдаланади.

◎

БРЮССЕЛЬ. Брюсселда Европа ҳамжамияти — Исроил ҳамкорлиги комитетининг ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги сессияси бўлди. Унда «умумий бозор» билан Исроил ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилиш ва бу ерда тинчликни тиклаш йўлларини излашга катта эътибор берилди. Исроил ташқи сиёсий маҳкамасининг бошлиғи Давид Леви, жумладан, ўзининг Ғарбий Европадаги шериклиригa яқинда СССР ташқи ишлар вазири Александр Бессмертних билан АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер ўртасида Қуддусда ўтказилган музокаралар тўғрисида ахборот берди.

Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар АҚШ ва СССР билан бир қаторда Яқин Шарқ юзасидан конференцияга тайёргарлик кўришда қатнашиш истагини яна бир бор билдирдилар. Бельгия ташқи ишлар вазирининг журналистларга айтишича, ҳамжамият Яқин Шарқ юзасидан конференция чақиришга алоқадор иш тартибидаги қийинчиликларни «мутлақо бартараф этса бўлади» деб ҳисоблайди. Исроил ҳукумати бу конференцияда Ғарбий Европа мамлакатлари қатнашиши ғоясига аввалига жуда қаттиқ норозилик билдирди. Бироқ АҚШ тазйиқи остида у ўзининг бу йўлини анча юмшатди.

◎

ВАШИНГТОН. «Саҳродаги бўрон» операциясида қатнашган Америка ҳарбий хизматчиларидан 413 мингдан кўпроқ киши ҳозирга қадар Форс кўрфазидан АҚШ ва бошқа давлатлар ҳудудидаги доимий жойларига қайтарилди, деб хабар қилди Пентагон расмий вакили. У Ироқ қўшинларига қарши жанглар бўлган ерларда ҳали ҳам 128 мингдан кўпроқ Америка ҳарбий хизматчиси турганини уқтирди. Уларнинг 49,5 мингта яқини ўтган йил августидан ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган кишиларни ҳамда АҚШ қуролли кучлари бошқа резерв бўлинмаларининг вакилларини ташкил этади.

◎

ҚОҲИРА. Мисрнинг собиқ ташқи ишлар вазири Исмат Абдулмажид бугун Араб давлатлари уюшмасининг янги бош котиби бўлди. У ана шу лавозимга Араб давлатлари уюшмасининг Қоҳирада ташқи ишлар вазирлари иштирокида ўтаётган 95-сессиясида бир овоздан сайланди.

1945 йилда Араб давлатлари уюшмаси тузилган пайтдан буён Абдулмажид 21 мамлакатни бирлаштирган ушбу араблараро ташкилотнинг бешинчи бош котибидир. У тунислик Шодли Клибининг ўрнини эгаллади, Шодли Клиби Форс кўрфазидаги танглик даврида араблараро ихтилофлар кучайгани натижасида истеъфога чиққан эди.

◎

БАЙРУТ. Исроил Ливан билан чегараниг 12 километрлик қисмида тиканли тўсиқларни олиб, уни суверен мамлакатнинг ҳудудига икки километр ичкарига суриб қўйди, деб хабар қилди «Ан наҳор» газетаси. Исроилликлар Ливан ҳудудини қўшиб олишга доир янги «операция» давомида ўнлаб гектар ғаллазорларни ва токзорларни яксон қилиб ташладилар. Ливаннинг жанубидаги Марж қишлоғи аҳолиси босқинчиларнинг хаттиҳаракати муносабати билан норозилик намойиши ўтказди. Намойишчиларга қарата ўқ отилди, бир неча киши ярадор бўлди.

Ливандаги фаластинликларнинг энг кўп қисми жойлашган Сайда районидаги фаластин қочоқлари лагерида («Орян-жур» газетасининг маълумотларига қараганда, у ерда 200 минг нафардан кўпроқ фаластинлик бор) кескинлик сақланиб турибди. Айниқса Айн ал Хилва лагерида нотинчлик ҳукм сурмоқда, бу ерда сўнгги вақтда бир-бирига қарши Фаластин ташкилотларининг тарафдорлари ўртасидаги тўқнашув вақтида уч фаластинлик ҳалок бўлди ва тўрт киши жароҳатланди.

Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилида яҳудийларнинг яна бир манзилгоҳи барпо этилди, деб хабар қилди Исроил радиоси. Кўчиб келган кишилар Шарқий Қуддус яқинидаги мавжуд манзилгоҳларга яқин жойларда 30 дан ортиқ йнғма уйларни ўрнатдилар.

Манзилгоҳлар қурилиши Исроил ҳукумати тасдиқлаган режага мувофиқ олиб борилмоқда, бу режа босиб олинган Араб ҳудудларида яҳудий аҳолини 850 минг кишига етказишни кўзда тутади, деб эълон қилди Исроил учун яҳудий агентлигининг вакили.

Йил бошидан буён Совет Иттифоқидан Исроилга 56 минг киши кўчиб келди, деб хабар қилди Исроил радиоси. Шу билан бир вақтда 24 минг совет яҳудийси Исроилнинг Москвадаги бош консулхонасини Исроилга кўчиб кетишни кечиктиришга қарор қилгани ҳақида расмий равишда огоҳлантирди. Маълумки, бунинг сабаби Исроилда уй-жой ва ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммолардир.

(ТАСС).

Гулқайчи

«БИЗГА ҚОЛГАНДА...»

Ўтган йили хўжалигимизда ижара усулида меҳнат қилиш истагини билдирганларга серунум ерлар ажратиб берилди. Йил якунида ижарачилар меҳнати сарҳисоб қилинди. Кам маблағ сарфлаб, яхши даромад олган миришкорлар чўнтаги ниҳоят пул кўрди. Шу боис жорий йил бошида биз колхоз бошқарувига ижарага ўтиб ишлаш ниятида эканлигимизни билдирдик. Бироқ талабимиз қондирилмади. Бошқарув раиси ҳамда бош иқтисодчининг айтишича, вилоятимизда деҳқончилик уюшмаси раҳбарлари меҳнаткашларга шартнома асосида ер ажратиб беришни тўхтатиб қўйишганмиш...

Деҳқонбува, наҳотки мамлакатимизда ижара афзалликлари тобора кўзга ташланаётган, меҳнатни ташкил этишнинг мазкур усули ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига кенг жорий этилаётган бир пайтда, хўжалигимиз мутасаддилари эскичасига фикр юритишаётган бўлишса? Уларга бугунги давр талабини эслатиб қўйсангиз.

И. БОҚИЕВ,
Н. РАҲМОНОВ,
Когон районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг 12-бригадаси аъзолари.

НОГАҲОНДА НОГАҲОНИЙ МОЖАРО

Қамаши райони марказида автобусдан тушган Деҳқонбува яқин атрофдаги ошхоналардан бирига кириб тамадди қилди. Кўк чойни босиб-босиб ичаркан, Ногаҳон қишлоғида уни интизорлик билан кутишаётганликларини эслади. Апил-тапил хўржунини елкасига ташлаб, кўчага чиқди.

Бекатда беш-олти йўловчи бетоқланиб машина пойлашаётган экан...

— Тавба, — деди бироздан сўнг Деҳқонбува. — Одамларга ҳайронман. Тағин бозор иқтисодиёти, ҳамманинг чўнтаги қуриган, дейишади-я. Йўл машинасига тушиб кетишаяптику! Бироз сабр қилишса, автобус келади. 20—30 тийинга уйга бориш яхшими ёки икки-уч сўмни куртдай шахсий машина ҳайдовчисига тўлашми? Эҳ, одамлар, одамлар...

Деҳқонбува шу зайл бир соатдан ошиқ йўл пойлади. Автобусдан эса дарак йўқ. Охири сабри чидамай, бир четда турган йўловчидан сўради:

— Ука, бу Ногаҳон қишлоғига қатнайдиган автобус келадими?

— Э, ака, афтидан, меҳмонга ўхшайсиз. Бизнинг қишлоқ аҳли пешонасига ёруғлик битмаган. Қўшни қишлоқларга автобус қатнай бошлаганига кўп йиллар бўлди. Бизлар эса қишда совуқда жунжикиб, ёзда эса иссиққа зўрға бардош бериб йўловчи машиналарни тўсамиз. Гап кўп. Бунинг устига дўкон пештахталари бўмбўш. Зарурат юзасидан район марказига тушиш керак. Юз азоб билан! Айниқса эрта тонгдан катта йўл бўйида машина тўсаётган ёш болали аёллар, уруш ногиронлари, қарияларни кўриб ачиниб кетасан, киши.

— Наҳотки, район раҳбарлари бундай манзарани кўра туриб, пинакларини бузишмаса? — сўради Деҳқонбува.

— Бундан тўрт йил муқаддам аҳоли эътирозлари инобатга олиниб, қишлоққа кунида икки маротаба — эрталаб ва кечки маҳалда қатнайдиган автобус қўйилди. Бироқ бу билан ташвишларимиз камаймади. Чунки 98-автобаза раҳбарлари бир ўқ билан икки қуённи уришган эдилар-да. Шу зайл бир йилча Савсан қишлоғига қатнайдиган автобусдан фойдаланиб турдик. Ҳозир эса эски ҳаммом, эски тос.

Шу пайт шалоғи чиққан кичик автобус бекатга келиб тўхтади.

— Ногаҳонга кетадиганлар бўлса чиқишсин, — деди ҳайдовчи томоғини қириб. —Ўша томонга кетаётувдим. Инсоф билан бир сўмдан тўлайсизлар.

Йўловчилар бир зумда машинага чиқиб олишди. Деҳқонбува ҳам уларга қўшилди. Маълум бўлишича, Ногаҳонда салкам бир ярим мингдан зиёд киши истиқомат қиларкан. Уларнинг 60 нафарига яқини Қамаши марказидаги ташкилот ва корхоналарда ишлашади. Бунинг устига қишлоқдаги паррандачилик фабрикасида четдан келиб ишлаётганлар ҳам талайгина. Аҳолининг эътирозли мактубларига вилоят ва район раҳбарлари қоғозбозлик билан жавоб беришдан нарига ўтишмаяпти. Деҳқонбува пойтахтга қайтар экан, беихтиёр ўйланиб қолди. Наҳотки, қишлоқни район маркази билан боғлаб турувчи автобус ҳаракатини йўлга қўйиш шунчалик қийин бўлса?!.

У эртаси кун ишхонасига кириб келганида, эшик олдида бир гуруҳ ёшларни кўрди. Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган Р. Менгиров, У. Бобоқулов, С. Тўраев, Т. Қурбонов, Б. Жумаев, Р. Тўраевларнинг дардини тинглашга тўғри келди. Талабаларнинг гапига қараганда, улар туғилиб ўсган қишлоқлари — Ногаҳонга йилида икки-уч маротаба бориб келишаркан. «Бизни шаҳардан кўнглини узолмаётган қишлоқлик «олифталар» деб ўйламанг, йўл азоби жонимизга теккан» деди улардан бири. Деҳқонбуви арзчиларни кузатиб қўйди-ю қаламини қўлига олди...

Деҳқонбува котиби:

Райҳонали САФАРОВ.

Хоразм вилояти санитария-эпидемиология станцияси шифокорлари оқар сувнинг таркибида заҳарли моддаларнинг кўплигини аниқлаб, уни истеъмол қилишни бутунлай таъқиқлаб қўйишди. Қўшкўпир районида аҳвол айниқса ночор. Бу ерда аҳолининг 60 фоизга яқини водопровод сув билан таъминланган. Қолганлари эса каналлардан оқиб тушаётган, ичишга мутлақо яроқсиз қудуқ сувидан фойдаланишмоқда. Бундан уч йил муқаддам райондаги «Тошкент» жамоа хўжалигининг «Довуд» посёлкасида водопровод тармоғи ўтказилган эди. Бироқ ҳанузга қадар бирорбир кимса кранлардан сув оққанини кўргани йўқ. Суратдаги онахонлар билан суҳбатлашсангиз, «Бу қувурлардан қачон тоза сув оқади!» деб сўрашади.

Қ. ОТАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

НИМАСИ БЕКАТ?

Яқинда Урганч шаҳридаги «Деҳқон бозори» бекатида автобус кутаётиб, икки кишининг ҳасратини тинглашга тўғри келди:

— Кайфингиз борми, тоға? Панжарага суяниб олибсиз.

— Сенинг-ча, ҳув ана у симёғочга суянайми? Рўзғорга у-бу харид қилай деб, бозорга келгандим. Нарх-наво осмонда. Арзонроққа оламиканман деб, ҳар бир растага уч-тўрт маротабадан кириб чиқдим. Юравериб оёғимда мадор қолмади. Мана энди автобус кутиб турибман.

— Роса чарчабсиз-да. Ўтириб бироз дамингизни олсангиз бўларди.

— Ув, жиян! Нима бало, осмондан тушганмисан ёки ердан чиқдингми? Кўзларингни каттароқ очиб, атрофга бир қара-чи. Қаерда ўтирай? Шаҳар бўйлаб қатнайдиган деярли барча автобуслар шу ерда тўхтайди. Қишда қор-ёмғирдан, ёзда эса қуёш тиғидан пана бўлишга жой йўқ. Бунинг нимаси бекат экан, ҳайронман.

— Ўзр, тоға, дастлаб разм солмаган эканман. Ҳақиқатдан ҳам бу ерни бекат дейишга одам уялади. Автобуслар тўхтайдиган майдонча ҳам ўнқир-чўнқир. Салгина ёмғир ёғса кўлга айланиб қолса керак?

— Эҳ, нимасини айтасан, ука. Баъзиларнинг ўйламай-нетмай тутган тутимига ҳайрон қоласан, киши. Бекат майдонининг саҳни қисқартирилиб, биқинига мана бу панжара билан нари-бери ўралган пуллик тўхташ жойи пайдо бўлгандан бери шу аҳвол. Буни ҳам қўявер. Қош қорайса, бу ер зимистонга айланади. Елғиз келишга қўрқасан. Симёғочга чироқлар ўрнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

— Менимча, бу бекатни бошқа ерга кўчиришса керак. Акс ҳолда йўловчилар билан гавжум жойни эътибордан четда қолдиришмасди.

— Балки шундайдир. Кейинги уч-тўрт йил ичида бекатнинг ўрни бир неча марта ўзгарди. Айрим шаҳарларга бориб, тан берасан. Бекатлар замонавий қилиб қурилган. Йўловчилар дам олишлари учун барча қулайлик мавжуд. Бизнинг раҳбарлар эса... Эҳ, шулардан ҳам кўнглим қолди. Оғизда ҳамма нарса одамлар учун, дейишади-ю амалда эса акси.

— Тоға, бу раҳбарларингиз автобусда юришмайдида. Сизу менга ўхшаб бир соат автобус кутиб кўришсин, эртасига бекат созланиб, ўриндиқлар ўрнатилади. Дарвоқе, юринг, шаҳар катталарининг олдига кириб, аҳволни тушунтирамиз.

— Эҳ, қўйсанг-чи, жиян! Энди сен қолувдинг бошни қотирмаган. Фойдаси йўқ. Бу ҳақда вилоят рўзномасида бир неча бор ёзилди. Радио ва телевидениедан айтилди. Лекин ўзгариш йўқ. Ана шунақа. Ундан кўра раҳбарларга инсоф, салгина ҳафсала, ваъдадан бўшамайдиган чакакларга куч-қувват, аҳолига эса сабр-бардош тилаган маъқул. Автобус ҳам кўринмайди. Касали қўзиб қолди, шекилли. Қани, жиян, кўп гапирмай, битта такси тўхтат-чи...

Суҳбат тафсилотини оққа кўчирувчи:
К. РАҲИМОВ.

НАСРИЙ МАСАЛ

— Мана энди ўрнимни топдим. Баргларга жило бериб, ҳаммани ўзимга мафтун қиламан, — деди япроққа қўнган Шабнам.

Қуёш чарақлаб, ундан асар ҳам қолмади.

* * *

— Деҳқон мени ҳамиша эъзозлайди. У мени бир зум ҳам қўлидан қўймайди, — дея мағрурланди Даста.

— Сени мен ушлаб турганимни сира унутма, — деди Кетмон.

Т. ТЕШАБОЕВ.

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Бундан саккиз йил муқаддам ишчи-хизматчиларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Янгийўл автобус-таксомотор корхонаси раҳбарлари хайрли ишга қўл уришди. Корхона ҳузурида ёрдамчи хўжалик фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки йилларда ҳайдовчилар етарли миқдорда гўшт, сут билан таъминлаб турилди. Бугунга келиб эса бу ердаги бир қатор муаммолар корхона раҳбарларини ташвишга солаяпти.

— Яхши ният билан иш бошлагандик, — дейди ёрдамчи хўжалик бошлиғи С. Абдуллаев. — Қисқа вақт ичида саксон бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилди. Бироқ озуқа жамғариш масаласида қийинчиликларга дуч келдик. Даставвал ёрдамчи хўжалигимиз учун Тимирязев номли давлат хўжалигидан 15 гектар ер ажратилди. Шўрланган, сув чиқиши қийин бўлган мазкур майдондан кўзда тутилган миқдорнинг ярмича ҳам озуқа етиштирилмади. Айни дамда ихтиёримизда бир гектар ҳам ер йўқ. Озуқани эса район хўжаликларидан ялиниб-ёлвориб олаяпмиз...

Ёрдамчи хўжалик бошлиғининг куйинганича бор. Қайси хўжалик ўзининг тўйимли озуқасини қўшнисига берарди. Йўқчиликдан ташаббускорлар сифатсиз ем-хашакни баланд нархда сотиб олишга мажбур бўлишаяпти. Бундай аҳволда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақида оғиз очиш мумкин эмас.

Яна бир муаммо. Мавжуд 30 бош қорамолни боқиш учун чорвадорлар етишмайди. Ҳар йили 20 бош бузоқ олинмоқда. Соғувчилар камлигидан сигирлар соғилмай, бузоқларга эмизилаётир. Юзлаб килограмм сут шу тариқа корхона хизматчилари дастурхонига етиб бормаяпти.

Ёрдамчи хўжалик чорвадорларининг айтишича, маҳсулот ҳажмини ошириш, олдиларига қўйилган вазифаларни кўнгилдагидек уддалаш учун камида 20 гектар серунум ер керак. Корхона район хўжаликлари билан ўзаро манфаатли шартнома тузса ҳам бўлади. Акс ҳолда ёрдамчи хўжаликни тугатишга тўғри келади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида бепарволикка берилиш, давлат хазинаси ҳақида қайғурмаслик ўзини ҳеч вақт оқлай олмайди.

Ҳ. МИРЗАЕВ.

Девпечак

**Ўзгаларнинг ризқини
қийиш
Саналади гуноҳи азим.
Виждонлига бу номақбул
иш,
Кечирилмас бундай қилса
ким.
Кимдир тўғри йўлдан
юриб,
Ёмон ишдан ўзини тияр.
У-чи? Девпечакдай
ўралиб,
Бошқаларнинг ризқини
қияр.
Ўқишда ҳам турар рўй
бериб,
Ўқимоқни ким жондан
суяр.
У пул билан ўқишга
кириб,
Бошқаларнинг ризқини
қияр.
Сен дўкондан олсанг
нимадир,
Ишга солиб
таниш-билишни—
Ўзга ризқин
қийганинг шудир,
Бажо қилдинг энг ёмон
ишни.
Тайёрани қиласан ҳавас,
«Жигули»нг бор, бунга
йўқ шубҳам.
Кўнгли тоза, виждонли
бир кас
Ризқин қийдинг
машинадан ҳам.
Сенга топиб бўлурми
даво.
Минг кўрсатган билан
табибга?
Фақатгина энг қаттиқ
жазо
Солиб қўяр сени
тартибга.**

Талъат СОЛИЕВ.

ХАНДА

— Қўшни, иккита қизингизнинг рўзғори бузилди. Кенжангизни чиқараётганингизда тузукроқ насиҳат қилинг, ўргилай?

— Неча кун миясига қўйдим. Биринчи навбатда эрингни, ундан кейин қайнона, қайнатангни қўлга олгин, дедим.

* * *

Икки эркак хотинларини таърифлаб кетишди:

— Меники ишга тушиб кетса борми, қўли-қўлига тегмайди.

— Менинг хотиним эса гапирганда лаби-лабига тегмайди, — деди шериги ҳам бўш келмай.

* * *

— Ҳой, қўшни, итингизни боғлаб қўйсангиз бўлмайдими? Савил қолгурнинг дастидан товуқларимга кун йўқ. Кўчага чиқди дегунча, олдига солиб қувади.

— Э, шунақами? Унда, яхшиси, товуқларингизни боғлаб қўя қолинг.

СПОРТ

ЭРКИН КУРАШ

Наманганда ўтказилган республика биринчилиги ниҳоясига етди. Мусобақа иштирокчилари 10 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Беллашувларда айниқса, тажрибали полвонлар ўзларини кўрсатдилар. Жумладан, 57 килограммгача бўлган вазнда тошкентлик спортчи А. Зуфаров, Г. Закрияев, Б. Ғуломов ҳурмат шоҳсупасидан ўрин эгалладилар.

Оғир вазнда (100 килограммгача) пойтахтлик А. Телегин зафар қучди. 130 килограммгача бўлган вазнда унинг ҳамшаҳри Н. Тарасенкога тенг келадигани топилмади.

Ёшлар ўртасида самарқандлик А. Қулматов муваффақият қозонди. У 90 килограммгача бўлган вазнда ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасини банд этди. А. Иброҳимов (Тошкент) иккинчи, С. Славко (Фарғона) учинчи ўринни эгаллади. Пировардида бу уч иштирокчи спорт устаси талабини бажарди.

Шунингдек, тошкентлик спорт усталари М. Рўзиев, Э. Юсупов, И. Гогаев, А. Иброҳимов, спорт усталигига номзодлар —Р. Матжонов (Наманган) ва Ф. Кўчқоров (Тошкент) ўз вазнларида ғолиб чиқдилар.

МЕРГАНЛИК

Таллинında ўтказилган халқаро мусобақада республикамизнинг икки вакили совриндорлар сафидан жой олдилар. Моҳир мерган Рустам Ямбулатов яхши қатнашди. У ғолиблик учун (ҳандақ машқида) майдон эгалари вакили Урмас Саалисте билан кескин баҳс юритди.

Биринчи куни Ямбулатов рақибидан уч очко олдинга ўтди. Лекин эртасига мамлакат терма жамоаси аъзоси, Барселонада ўтказиладиган олимпиада ўйинларида қатнашишга асосий номзод бўлган Саалисте ундан бир очко устунликка эришди. Якунда бой тажрибасини намойиш этган Рустам рақибини ортда қолдириб, биринчи ўринга кўтарилди.

Республикамизнинг иккинчи вакили О. Лаптев (ҳандақ стендида) тўртинчи ўринни эгаллади. Пойтахтлик динамочи С. Игнатов (доира машқида) бронза медалини қўлга киритди.

ЧИМ ХОККЕЙИ

Мамлакат биринчилигининг олий гуруҳида иштирок этаётган эркаклар жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Кучлилар сафида республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган Андижоннинг «Звезда» жамоаси РаздаННинг «Ацагорц» командасини қабул қилди. Учрашув тақдирини майдон эгалари томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

«Искра» (Васильков) — «Азинефтехим» (Боку) учрашувида 2:1 ҳисоби қайд этилди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Германиянинг Вольмирштат шаҳрида ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги якунланди. Бу йирик мусобақада мамлакатимизнинг олти спортчиси — Э. Дарбинян, Р. Савченко, С. Рибальченко, Э. Чепик, И. Дунамалян ва А. Чемиркин юқори натижаларга эришиб, ўз вазнларида жаҳон чемпиони бўлдилар.

СУВ ТЎПИ

Москвада халқаро мусобақа бошланди. Биринчи учрашувда СССР-1 ва СССР-2 терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бунда 13:8 ҳисоби қайд этилди. Германия ватерполчилари ҳам мусобақани ғалаба билан бошладилар. Улар Руминия жамоасини 11:8 ҳисобида енгдилар.

Муҳаррир
Н. ЕҚУБОВ.

Билдирув ва эълонлар

«САМАРҚАНДФИЛЬМ» ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ
ЯНГИ КЎП СЕРИЯЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМДА БОШ ҚАҲРАМОН
АМИР ТЕМУР РОЛИНИ БАЖАРИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фильмда Темурнинг болалик чоғларидан бошлаб то ҳаётининг сўнгги кунларигача бўлган узоқ ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинади. Темур ролини турли ёшдаги кишилар ижро этади: болалик даврини 12 ёшли болалар, ёшлик даврини 20—30 ёшли йигитлар ва етук саркардалик йилларини 50—60 ёшдаги кишилар ўйнайди.

Амир Темур ролини бажаришга даъвогарлар танлови 1991 йилнинг 20 майигача шанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 18 гача Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Асосий қурилиш» павильонида ўтказилади.

Танловда касбий артистлар ҳам, шунингдек махсус актёрлик маълумотига эга бўлмаган кишилар ҳам қатнашишлари мумкин.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

5—9 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«САВОБ» хайрия фирмасининг
«ХИСЛАТ» соғломлаштириш маркази
Ўзбекистоннинг етакчи руҳий муолажакори, экстрасенс
Абдурафиқ ҒОФУРОВнинг
ЭРОН ва ТУРКИЯ мамлакатлари бўйлаб сафари олдидан

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Биринчи сеанслардан сўнг (март ойида бўлиб ўтган), марказга йўлланган кўп сонли мактуб ва қўнғироқларда кишилар ўзларининг барча хасталикларидан фориғ бўлганларини баён этиб, муолажа сеансларини яна такрорлашни сўраганлар.

Эслатиб ўтамиз, А. ҒОФУРОВ барча касалликларни: муттасил бош оғриқлари, уйқусизлик, хафақон, бронхит, астма, қандли диабет, остеохондроз, полиатрит, артрит, юрак хасталиклари, ўпка, буйрак, жигар, ўт пуфаги, ошқозон-ичак, тери касалликларини даволайди. Умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ суяклари жароҳатлангандаги оғриқларни йўқотади. Семизлик ва ориқлик, жинсий заифлик ва бефарзандлик каби дардлардан халос бўлишга ёрдам беради.

А. Ғофуров сеансларда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган беморларнинг фотосуратлари орқали ҳам ўз таъсирини ўтказишдек ноёб қобилиятга эга.

Соғломлаштириш жараёнида муолажакор ҳохловчиларни руҳан ўзга сайёраларга юборади.

СЕАНСЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12. 15 ва 17.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Чипталар спорт саройи кассаларида ва ваколатли тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53, 77-56-10.

Сиз корхонангизнинг молиявий томондан барқарорлигига ишончингиз комил, лекин шундай бўлса ҳам...

БАНКДАН КРЕДИТ ОЛГАЧ, ҚАРЗДОРНИНГ КРЕДИТЛАРНИ УЗМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИНИ ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ

ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИБ ҚЎЙИНГ!

БУНДАЙ ШАРТНОМА ТУФАЙЛИ СИЗ ТЎЛОВ МУДДАТИ ТУГАГАНДАН КЕЙИНГИ 20 КУН ДАВОМИДА ЗАРУР МИҚДОРДАГИ ПУЛНИ ТЎЛАЙ ОЛМАГАН ТАҚДИРДА ҚАРЗИНГИЗНИНГ 50 ФОИЗИДАН 90 ФОИЗИГАЧА ТЎЛАНИШИ КАФОЛАТИГА ЭГА БЎЛАСИЗ.

Суғурта шартномаси кредит шартномаси даври учун ҳақиқий ҳисобланади.

Суғурта тўловлари — суғурта пулининг 1,8 фоизидан 3,5 фоизигача бўлади.

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИНГ ИСТАЛГАН НОЗИРЛИГИДА БУ ҲАҚДА БАТАФСИЛРОҚ МАЪЛУМОТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5386. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босмага топшириш вақти 21.00. Босмага топширилди— 22.50. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12